

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси

“Саҳна ва экран санъати драматургияси” бўлими IV босқич талабаси

Шодиева Гулшонанинг битирув малакавий иши

Қайтиш

Пьеса-монолог

Курс раҳбари:

Катта ўқитувчи,

Кинодраматург

----- Э.Аъзамов

“-----” -----2016 йил

Илмий раҳбар:

Ўқитувчи

-----Ш.Ҳамидова

“-----” -----2016 йил

Тошкент-2016

МУНДАРИЖА

1. Асар таҳлили.....	3
2. Асар матни.....	27
3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	49

Битирув малакавий иши таҳлили

Кириш

Барча замонларда маданий-маънавий ҳаёт инсониятнинг турмуш тарзи, онг даражаси, бахт ё бахтсизлигини акслантирувчи энг ҳаққоний манба бўлиб келган. Ўтмиш даврлар улкан эврилишлар, тарихий жараёнлар маданий ҳаётда, кишилар дунёқарашида нечоғли катта бурилишлар ясаганини яққол намоён қилади. Адабиёт сўзлай бошлагандан буён ўзликни англаш мавзуси унинг бош мезони бўлиб келмоқда. Ёзувчи асарини ўз даражасида яратади ва ўртага ташланган муаммога ечим йўлини ўз ишончига кўра кўрсатади. Шунга кўра яшашнинг моҳияти ҳақида турли замонларда турлича хулосалар чиқарувчи қатор асарлар ёзилган. Аксарият ғарб адабиёти ўқувчиларига муваффақиятларга эришиш учун олға, дейиш асносида уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашувни мақсад қилади. Ғарб адабиётида ғарб менталитетига хос бўлган манфаат руҳи сезилади. Яъни қаҳрамонларнинг олийжанобликлари ҳаётий асосда, материялистик тартибда баҳоланади. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, олийжаноблик ҳам, у муносиб кўрилган даража ҳам маълум бир моддий асосга эга бўлиб чиқади. Айтмоқчи бўлганим, ғарбда аксарият ҳолларда яшашнинг маъноси материядан изланадики, айти шу боши берк кўча, эҳтимол, абсурд адабиётига сабаб бўлгандир. Чунки материя бирламчи ҳодиса эмас, унинг якуни бор ва уни йўқотиш билан маъно йўқолса, демак, у яшашга асос бўла олмайди. Бироқ бу фикр ғарб адабиётининг барчасига бирдай тегишли эмас. Инсонни виждон билан яшашга ундовчи классик асарлар уларнинг сирасига кирмайди, албатта.

Шарқ мумтоз адабиётида бу масалага илоҳиёт нуқтаи назаридан қараладики, маъно материядан ошиб ўтади. Шарқона яшаш тарзи ҳам ғарбдан фарқли ўлароқ ахлоқ билан боғлиқ. Ғарбда нималаргадир эришиш мувафакқият саналса, шарқда улардан воз кеча олиш мувафакқият дея аталади. Айни шу воз кеча олиш кишининг ахлоқ даражасини кўрсатади. Чунки ахлоқли одам жон сақлашдан ортиғига қўл чўзишдан уялади.

Адабиётимизда куйланадиган комил инсон тушунчаси энг ахлоқли, энг яхши ва теран фикрловчи оқил шахс. Унинг ахлоқли ва яхши бўлиши комиллик талабининг табиий зарурати, бу борада ортиқча изоҳ бериш шарт эмас. Оқиллик масаласига келсак, у Худо инсонни бошқалардан азиз қилиб берган неъматини – ақлнинг самарасидир. Қуръони Каримнинг бир неча ўрнида ақл юргизиш ҳақида сўз боради. Инсонлар табиатни кўриб, тафаккур қилиш орқали Оллоҳнинг қудратига иймон келтиришга чорланади. Демак, иймоннинг мукамаллиги ақл билан бўлиши, бундан келиб чиқадики, ақлнинг иймон учун берилганлиги саратон қўёшидай аниқ бўлди.

Аввал айтиб ўтганимиздай, мумтоз адабиётнинг деярли ҳамма намунаси Худони англаш мавзусидаги асарга мисол бўла олади. Бугунги кун адабиётига келсак, замонавий адабиёт ўтган аср давомида ғарб адабиётидан жуда кўп жанр, тур ва ҳакозоларни ўрганди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ёзиш осон иш бўлиб қолди. “ой болта”¹ десанг, адабиёт аталадиган бўлди. Бироқ бу бугун комил инсон масаласи унутилди, дегани эмас. Ўзлаштирилган жанрларда ҳам комил инсонни тарбиялашга ундовчи фикрларни баён қилиш мумкин. Ёмон томони шундаки, техник тараққиёт боисми ёки тезкор капиталистик

¹Матжонов С. ва б. Адабиёт. –Тошкент: Юрист-медия маркази, 2010. Б-251.

руҳият сабаб бўлибми, тезлашиб кетган бугунги кун ўқувчиси борган сари қисқа сатрларга, йўл-йўлакай томошаларгагина назар ташламоқда. Ўзини адабиёт вакили санайдиган кишиларгина каттароқ асарларга кўз югуртиради. Ихчам жанр ҳар қанча доҳиёна ёзилмасин, комил инсон фалсафасини ўзига сингдириши, ўқувчини катарсисгача олиб бора олиши мушкул, назаримизда. Ўзингизга маълум, комил инсон умр бўйи машаққат чекиб эришиладиган олий мартаба. Агар унинг моҳиятини икки оғиз гапда очиб беришнинг иложи бўлганида, аъло одамлар жамияти ҳозиргача шаклланиб бўлган бўлар эди.

Битирув малакавий ишининг жанрига мос келмаса-да, мавзу жиҳатдан ўхшаш бўлган мумтоз намуналарга тўхталиб ўтишни лозим топдик. Зеро мавзунинг ўрганилганлик даражаси шу жиҳатдан аҳамиятга молик. Тадқиқотчи адабиётчиларимиздан Шухрат Сирожиддиновнинг “Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари” номли монографиясида адабиётимизга сезиларли даражада таъсир қилган, дея, аввало Веда адабиётлари, Упанишадлар, Таврот адабиётлари, Инжил адабиётларига ва шундан сўнг ислом таълимоти асосларига изох берилади. Мавзуни тарихий босқичлар бўйича бирма-бир ёритмоқчи эканмиз, биз ҳам шу тартибни сақлашимиз тўғри бўлар, деган ўйдаммиз.

Шу ўринда маърифатга етишишда диний ахлоқнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб, унинг барча замонларда ҳам инсонни ҳақ йўлга бошлаганлигини айтиб ўтишимиз лозим.

Дунё динлари тарихи ва таълимотлари моҳиятига яхшилаб эътибор берилса, бу фикрнинг ҳар бир динга мос келишини кўриш мумкин. Зеро ҳеч қайси диний таълимот ҳеч бир тарзда ўзига эргашувчиларни ҳақ қолиб, залолатга бошлаган эмас! Агар кишилар динлари сабаб ўзаро

талашиб-тортишган бўлсалар, бу ҳам ўзларининг адашишлари, нафсга берилишу иллат ва фазилатнинг фарқига бормасликларидан бўлган.

Муқаддас Ведалар бундан бир неча минг йиллар олдин Ҳиндда юзага келган бўлиб, ҳиндуизм дини илдизлари шу манбаларга асосланади. Бу динга кўра, олам бу – худо Брахма, Брахма бу – оламнинг ўзидир. Бирок айни вақтда оламдаги ёвузликларнинг Брахмага тааллуқли жойи йўқ. Буни тушиниш учун киши ўзлигини англаб бориши лозим. Шунда у кадам-бақадм Брахмага яқинлашиб, таъбир жоиз бўлса, Унга сингиб, айланиб боради. Ҳиндуизм таълимотига кўра яшаш моҳияти ана шудир. Ҳинду доимо Брахмага етишга интилади. Худога етиш йўлини эса, Упанишадларни ўқиб-ўрганиш орқали топиш мумкин. Упанишадлар “Тўрт сават донолик” дея аталмиш Ведалардан кейинроқ брахманлар томонидан асрлар давомида яратилган фалсафий-дидактик адабиётдир. Бироқ алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ведалар ва Упанишадлар тушунилиши ниҳоятда мураккаб китоблар саналади. Ҳинд мумтоз адабиётининг ўзига хос жиҳати шундаки, юқоридаги диний манбалар охирига етмаган бўлиб, бу ушбу муқаддас китобларнинг даврлар мобайнида ҳаётнинг моҳиятини англаб етган брахманлар томонидан муттасил тўлдириб борилишига имкон берган. Халқ оғзаки ижоди бўлмиш “Моҳобҳарата” ва “Рамаяна” эпосларида ҳам Упанишадлардан айнан келтирилган қисмлар бўлиб, бу халқ ҳаётида ушбу манбаларнинг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади. Мисол учун шахзода Аржун ва илоҳ Кришна ўртасидаги диалоглар Упанишадларнинг устоз-шогирд мулоқоти тарзида моҳиятга интилиш услубини такрорлайди. Эпоснинг ушбу диалоглари Бҳагавад-Гита номи билан ҳам машҳур бўлиб, уни Худо ҳақида мушоҳада қилувчи Упанишадларнинг маъбуд Кришна

томонидан инсонларга (Аржун мисолида) соддароқ тилда баён қилинган шакли, дейиш мумкин. Шундай қилиб, ҳинд мумтоз адабиётида дин атамаси кенг маънода ўзликни ва Худони англаш тарзида намоён бўлади. Ҳиндуизмнинг бир қанча тубан илоҳлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётга аралашув даражасига эътибор қаратиш нуқтаи назаридан бир қанча тармоқлари бор. Буддизм дини ҳам ҳиндуизмдан ажралиб чиққан бўлиб, моҳиятан унинг асосларига таянади. Буддавийлик динига эътиқод қилувчи шахс Худога етишиш учун ҳиндудан кўра бошқачароқ йўл босади. Будда Худони инкор қилиш билан Худони танишга ундайди. Яъни: “Худо йўқ, агар бор бўлса ҳам, у ўзгарувчан, демак, ундан нажот йўқ. Шундай экан, азоб-уқубатдан фақат ўзинг ҳаракат қилиб қутулмоғинг мумкин. Бунинг учун сени азобга солиши мумкин бўлган нарсалардан нари бўл. Ҳаётдаги ҳамма нарса бир кун келиб йўқолиши билан сени азобга қўяди. Азобланмаслик учун сен уларга боғланиб қолмаслигинг лозим эди”. Будда шу йўсин кишини ҳаёлида, ишларида ва ўзини тутишда самимий олийжанобликка ундайди. Унинг фикрича, энг муҳими инсоннинг шахсий камолоти ва эзгу турмуш тарзидир.

Шу ўринда Дао ва Конфуций таълимотига ҳам атрофлича тўхталиш лозим, деб ўйлаймиз. Гарчи бу қарашлар бизнинг менталитет ва адабиётимизга катта таъсир ўтказмаган бўлса-да, улар ҳам моҳиятан юқоридаги фикрларга мос келади. Хусусан, дао фалсафасига кўра Худо йўқ, яшашнинг асоси эса, инсоннинг ўзининг табиат ичида қандай мақомда эканлигини англаб етишида. Бу англаш йўли – даодир (дао – йўл). Унга кўра ҳамма англашнинг сўнггида ўзининг табиат билан аслида бир нарса – табиат ҳам, Худо ҳам ўзи эканлигини тушуниш даражасига етиши лозим. Йўлнинг бошида Худонинг инкор этилиши

эса, бу йўлни ҳар бир инсон якка ҳолда босиб ўтиши зарурлиги билан боғлиқ. Зеро энди йўлга чиққан кимсага кимдир Худо ҳақида қандайдир маълумот берса, йўловчи ўз Худосини тополмай адашиши мумкин. Конфуций эса, маърифатга бошқа йўлдан бошлайди. Унинг фикрича, комиллик жамоавий ахлоқ билан юзага чиқади. Инсонлар якка ҳолда эмас, аксинча, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам бериш асносида умр кечирсалар, қачонки, биродарларини ўзларидан-да ортиқ севсалар, ҳақиқатга етишадилар.

Тахминан милоддан аввалги иккинчи минг йилликда Худо томонидан Бани Исроил қавмининг йўлбошчиси Мусо алийҳиссаломга юборилган Таврот Қуръонда тилга олинadиган муқаддас китобларнинг биринчиси саналади. У беш қисмдан иборат: Ибтидо, Чиқиш, Левилар, Саҳрода, Қонунлар. Шулардан биринчи китоб Ибтидо дунёнинг яратилиши ва яшаб ўтган кўпгина пайғамбарлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Қолган китобларда эса, бевосита Бани Исроил қавми билан содир бўлган воқеалар тилга олинади. Уларнинг каттагина қисмини яшаш ва турмуш кечиришга оид йўл-йўриқ ва тартиб-қоидалар ташкил этади. Берилган қонун-қоидаларга эътибор қилинса, улар инсонларни ахлоқли яшашга ундовчи дастлабки тартиблар эканлигини англаш мумкин. Ростдан ҳам Тавротда айтилган иймон ва иймонли яшаш шартлари Оллоҳнинг кейинги китобларида мукаммаллашган. Хусусан, Тавротда зоҳирий ҳаётга кўпроқ урғу берилади ва бу нарса Забур, Инжил ва Қуръонда ботинга нисбатан ўзгариб боради. Қуръони Каримга кўра инсонлар қалбларидаги нарса сабаб жазоланадилар ёки мукофатланадилар. Таврот қоидалари мақсад-моҳиятига кўра инсониятни ягона Оллоҳга эътиқод қилишга ундайди. Бироқ унда бошқа халқларнинг “илоҳ”лари ҳақида фикр билдирилмайди. Бегона

қавмларнинг айтганини қилмаслик, уларнинг йўриғига юриб, худосига қурбонлик қилиш билан Оллоҳнинг қаҳрини келтирмаслик буюрилади, холос. Шундай бўлса-да, айтиш лозим, Тавротда бутпарастлик очикдан-очик залолат эканлиги ва санамлар жонсиз матоҳ эканлиги баён қилинган. Гарчи Тавротда боқий дунё, жаннат ва дўзах тўғрисида сўз юритилмаса-да, қилинган иш учун жавоб бериш маъсулияти мавжуд. Мисол учун Бани Исроил халқи Миср юртидан чиққанидан сўнг, ҳали Канъон ерларига етиб келмай туриб, саҳрода эканликларида Мусо пайғамбар Худо билан сўзлашгани Тур тоғига чиқиб кетганларида қавмнинг йўлдан озиб, тилла буюмларидан бузоқ шаклидаги “илоҳ” ясаб олиши ва унга сиғиниши Худонинг ва пайғамбарининг қаҳрини келтирадики, жазо ўлароқ иймонга қайтмаганлар ўша зоҳоти ўлдирилиб, қолганларга умр бўйи гуноҳ қурбонлиги қилиб турилиши буюрилади. Гуноҳ қурбонлиги, куйдириладиган қурбонлик ва бошқа қурбонликларни ўтказиш тартиби бирма-бир баён қилиниб, қатор жониворларни ейиш қавм учун тақиқланади. Бу тақиқ уларга қилмишлари учун жазо қилиб берилади. Қуръонда бу фикр тасдиқланиб, исроил ўғиллари учун кўплаб ҳайвонларнинг ҳаром қилинишига ўз гуноҳлари сабаб эканлиги, Иброҳим алайҳиссалом замонларида ҳеч қандай тақиқ бўлмаганлиги айтилади. Таврот, Забур ва Инжил Қуръон томонидан тасдиқланиши баробарида яна шу нарса айтиладики, китоб эгалари ҳасад-адоват қилишиб, ҳатто ўз китобларини ўзгартиришгача борганлар. Муфассирларнинг айтишича, юқоридаги китобларнинг асл нусхалари йўқ, ҳозирда мавжудларида даврлар мобайнида таржима ва кўчириб ёзишларда турли ўзгариш ва чалкашликлар юзага келган бўлиши мумкин. Шунинг учун улардаги айрим фикрлар Қуръонда инкор этилганига ҳайрон бўлмаслик ва бунинг янглиш тушунмаслик керак.

Забур – Тавротдан бир неча аср кейин Исроил подшоси Довуд алайҳиссаломга ато этилган китоб. Забур Оллоҳни мадҳ этувчи жами 150та санодан иборат. Санолар одамларни эзгуликка ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ягона Оллоҳга ишонишга ундайди. Забурда ҳам, Библиянинг Қадимги Аҳд қисмига кирувчи бошқа пайғамбарлар китобларида ҳам иймон ва яшашга оид турли ҳолатлар баён қилинса-да, замонни, қавмни ўзгартириш масаласи кўтарилмайди.

Исо алайҳиссаломнинг туғилишлари ва ўз таълимотини олиб келишлари Библияга кўра янги даврнинг бошланишидир. Инжилда бу давр Янги Аҳд, Осмон шоҳлиги каби номлар билан аталади. Тавротдан фарқли ўлароқ Инжил Қуръон каби боқий дунё ҳақида фикр юритишга, фоний дунёнинг матоларига алданмасликка буюради. Исо пайғамбарнинг яшаш тарзи, олиб келган янги қоидалари эътиқоднинг моҳиятини унутиб, ибодат шакллари тафсир қилишга берилиб кетган Таврот тафсирчилари бўлмиш фарзийлар ва саддуқийларнинг ўта қаттиққўл тартиб-қоидалари бекор эканлигини кўрсатар эди. Инжил таълимотига кўра зоҳирнинг қандай бўлиши муҳим эмас, ботиннинг гўзал бўлиши кишининг иймонли эканига далил бўлади. Пайғамбар Осмон шоҳлигига қайси одам киритилишю қайсиниси кира олмаслиги ҳақида айта туриб, шу йўл билан қандай яшаш кераклигини уқтиради. Олимларнинг фикр билдиришича, айнан Инжил таълимотидан сўнг адабиётда илк бора илоҳий ишқ тушунчаси пайдо бўлган². Бироқ айна пайтда Худонинг тақдирга аралашуви масаласи ҳам кўтарилганки, бу ҳодисалар ўз навбатида турли фирқа ва оқимларнинг вужудга келиб, билиб-билмай ўзаро талашиб-тортишишларига сабаб бўлган. Дастлабки муаммоли масалалардан бири антик фалсафа ва христиан фалсафаси

²Сирожиддинов Ш. Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. Б–53–61.

Ўртасидаги оламнинг асоси тўғрисидаги баҳслар эди. Маълумки, антик файласуфлар, фикрларини моддий асосда далиллашга уринганлар. Дунёнинг тузилишини аксарият илмий билишга уринганлар. Антик қарашларда гарчи худолар мавжуд бўлсалар-да, улар ҳам ўзаро низо ва ихтилофларга берилишган. Ҳатто худолар ҳам тақдирдан қочиб қутула олишмайди.³Инжилда мадҳ этилган ягона Оллоҳ эса, тақдир, ёвузлик каби махлуқларга хос тушунчалардан баланддир. Христиан файласуфлари оламнинг асосини илоҳиёт билан боғлаб тушунтиришган. Уларнинг фикрлари ҳам турли масалаларда бир-биридан фарқ қилса-да, дунёлардан мутлақ баланд Оллоҳнинг ҳақлигини бирдай тасдиқлашган. Айни шу жиҳатдан антик даврнинг моддий қарашларини рад этишган. Бироқ антик фалсафа бутунлай йўқ бўлиб кетгани йўқ. У кейинчалик жисмларнинг табиати билан боғлиқ тарзда турли қарашларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Хусусан, бирор жисм қандай тузилишга эга ва унинг акциденцияни қабул қилиш ё қилмаслиги қандай тартибда кечади? Бу нимага боғлиқ? Умуман, акциденция тақдирданми ёки жисмнинг ўз табиий таркиби хусусиятлари билан боғлиқми, акциденция нимадан келиб чиқади каби саволлар баҳс мавзуйига айланган. Энг асосий масала эса ёвузликнинг келиб чиқиш манбаи ва сабаби, Худонинг тақдирга аралашуви – тақдир пешонага битилганми, инсоннинг иродасига боғлиқми, деган муаммоларга жавоб топиш бўлиб қолаверган.

Милодий еттинчи асрда пайдо бўлиб, Мовароуннаҳрга саккизинчи асрда кириб келган Ислом таълимоти мумтоз адабиётимизнинг асосларини ташкил этади. Араб халифалиги улкан ҳудудни эгаллагач, барча маданиятлар ягона тил ва ягона диний мафкура асосида

³Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. 1-китоб. – Тошкент: Давр пресс, 2013.

бирлаштирилган. Бу нарса IX-XI асрларда Шарқ уйғониш даврининг бўлишига замин яратган. Таъкидлаш жоизки, ушбу давр аввало диний илмлар – тафсир, калом, ҳадис, фикҳ, ва дунёвий илмлар – астраномия, хандаса, жуғрофия, тиббиёт, сахв, тарих кабиларнинг тараққий этиши билан характерланади. Бу пайтга келиб бошқа тиллардан кўплаб илмий асарлар араб тилига таржима қилинадик, юқорида айтиб ўтилган Оллоҳнинг яратиклари тақдирига аралашуви масаласи қайтадан пўртана ҳосил қилади. Баҳс шу даражага етганки, баъзи фирқалар дин асоси бўлмиш Қуръонни инкор этишгача борганлар⁴. Айни шу ғоявий кураш, чалкашлик ва адашишлар кишилар онгида диний ва дунёвий инқироз ҳолатини юзага келтирган. Бу мужмаллик ва пайғамбар суннатларидан чиқишларга нисбатан норозилик ўлароқ тарки дунёчилик бўй кўрсата бошлаганки, кўплаб илоҳий ишқ кишилари Худо ҳақида фойдасиз ва ботил баҳслардан қочиб, яқка ҳолда қалбини поклаш билан машғул бўлишни афзал кўришган. Бу нарса тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлиши эди. Эътибор берган бўлсангиз, юқорида уйғониш даврида раванқ топган илмлар каторига адабиёт киритилмади, чунки адабиётнинг ҳақиқий юксалиши айнан тасаввуф таълимоти билан боғлиқ. IX-XI асрларда ҳам адабиёт ривожланган, бироқ у ўз чўққисига тасаввуф кенг ёйилганидан сўнггина эришган.

Тасаввуф – илоҳий ишқ адабиётидир. Мутасаввиф умрини Оллоҳни танишга, унинг васлига етишга сарфловчи ошиқ, у Тангри таолога сингиб кетмагунча ҳаловат топмайди. Илоҳий ишққа йўғрилган тасаввуф йўли даврлар мобайнида адабиётга шунчалик сингиб кетганки, мажозий ишқ адабиётда ортиқ маъно касб этмай қўйган. Нафақат мажозий ишқ, балки бошқа ижтимоий масалалар ҳам тўғридан-тўғри

⁴Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий. Ақоид матнлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006. Б-8

ёритилмаган. Чунки илоҳий ишққа мушарраф бўлган ошиқнинг ошиқлик заҳматларини чека-чека комил инсонга айланиши, бу йўлда ўз хатоларини тушуниб етиб, бирма-бир тузатиб бориши кишиларни ахлоқан пок яшашга ундовчи дастур ул-амал бўлган. Комилликка эришиш ўта машаққатли ва узок йўлдир. Бу йўлнинг ҳар бир қадамини, қадамда учрайдиган шахсиятдаги нуқсонларни енгиб боравергач, қай мартабага эришилажagini, кўрсатиб бериш, заҳматдан кўрқиб, хатога юз бурмасликка чорлаш мутасаввиф адабиётчидан катта истейдод ва пухталики талаб қилади. Улуғ маънони буюк асарларгина сиғдира олади. Узок йўлни ёритиш тўрт сатр шеърга хос эмас. Шу сабаб мумтоз адабиётда эпик жанрлар устуворлик қилади. Мумтоз шеърят эса ошиқ ишқининг, ҳолининг, маъшуқа васфининг ўтли баёнидир.

Ҳазрат Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”нинг иккинчи китоби аввалида бу қисмнинг кечикишига сабаб ўлароқ дейди:

Маснавий назмида юз берди сукут,
Вақт лозим қондин айрилгунча сут.

Ул ширин сут қондин айрилмайди то,
Этмагунча толеинг фарзанд ато⁵.

Таъкидланганидек Ҳаққа етишиш вақт ва меҳнатни талаб қилади. Ошиқ ўз ҳолини англаб етмагунча дардини баён қилолмайди. Токи дардини билолмас экан, давосини ҳам тополмайди. Ўз дардига даво топмай туриб, бошқа бировни муолажа қилишнинг асло иложи йўқ. Румий ҳазратлари қалблар муолажасига киришар экан, ёзиш учун янги

⁵Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий, 2-китоб. – Тошкет: Абдулла Қодирий, 2002. Б-6.

мартабага етиш лозимлигини гўзал тарзда ифодалайди. Бу фикрни умрлар мисолида кенгроқ олиб қаралса, улуғ уламоларнинг асарларини уларнинг яратилиш даврига нисбатан тадрижий ўрганиш орқали адашиш ва чалкашликлардан холи бўлиш мумкинлигини тушуниш мумкин. Айтиш масалада улуғ Моҳандас Карамчанд Ганди: “Мен Ҳақиқатни, ўз Худойимни, излашим мобайнида кўплаб фикр ва хулосаларга келганман. Мен ҳеч қачон қарашларим мутлақ тўғри демаганман, бироқ улар айтиш вақтларда мутлақ тўғри бўлиб кўринган ва мен шунга кўра яшаганман. Изланишларим давом этар экан, фикрларим ҳам ўзгарган. Агар ўқувчи бир масаладаги икки хил мулоҳазамга дуч келса, кейингисини қабул қилишини сўраган бўлар эдим⁶” дея ёзади.

Шарқнинг иккинчи Уйғониш даври XIV-XV асрлар туркий адабиётнинг янги қиёфада туғилиш даври бўлди, дейиш мумкин. Ислом маданияти кириб келганидан сўнг давлат ишлари қаторида адабиёт ва илм-фан ҳам араб ва форс тилларида бўлиши одат тусига кирган эди. Мир Алишер Навоийнинг илмий изланишлари (“Муҳокамат ул-луғатайн”) ва “Хамса” каби забардаст асарни ҳам ҳеч иккиланмай туркий тилда яратишлари янги даврни бошлаб берди. Бироқ бу янги замонда ҳам комил инсон масаласи бирламчи моҳият бўлиб қолаверди. Алишер Навоий ижодида комил инсон тушунчасига яна-да тўлиқроқ, чуқурроқ, кенгроқ ёндошилади. Кейинги даврларда комил инсон ким, дейилганда, тўғридан-тўғри Фарҳодга мурожаат қилиниши бежиз эмас, албатта. Алоҳида таъкид билан айтиш жоизки, комил инсон комилликка эришган ҳолда дунёга келмайди, балки хатолардан хулоса чиқариб, Раббига етишади. Зеро Мавлоно Румий айтганидек:

⁶Mahatma Gandhi. Hinduism to according Gandhi. – New Delhi: Orient Publishing, 2013. P-6.

Доя аввал сут эмишни ўргатар,
Сўнг гўдак оғзига неъматлар тутар.

Боғланар эрса, ўшал пистон йўли,
Сўнгра очилгай неча бўстон йўли.

Чунки барча нозу неъматдин жудо,
Этди гўдакни шу кўкрак аввало.

Сутни тарк этсанг, яшаш этгай давом,
Андак-андак жаҳд қил, таммул калом.

Она қорнида башарга қон ғизо,
Мўмин ул, топгай нажасдин ҳам сафо.

Қонни қўйди, сут эмишга тушди ул,
Сутни ҳам тарк этди, бўлди луқмагир.

Луқмадин воз кечса гар, Луқмон бўлур,
Сўнг муқаррар толиби жонон бўлур⁷.

Инсоннинг хато қилиб, сўнг буни ўзи англаб, покланиши яшашнинг моҳиятидир. Фарҳоднинг Ширинга муҳаббати сабаб бўлиб сафарга чиқиши, сафари давомида турли устозлардан ҳар хил ҳунарларни ўрганиши ва энг муҳими, сафар сўнггига шу ҳунарлари билан ёлғиз (ҳукмдор отаси ҳамроҳ қилиб жўнатган йигитларсиз) етиб бориши

⁷Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий 3-китоб. – Тошкент: Фан, – Техрон: Ал-Худо, 2003. Б-10-11.

юқорида “Маснавий”дан келтирилган байтлардаги маънонинг ҳаётга жо бўлишидир. Дарвоқе, шу ерда ўқувчи хатога йўл қўйиб, янглиш тушунча ҳосил қилмаслиги учун мажозий ва илоҳий ишққа яна бир бор, батафсил тушунтириш бериш ўринли бўлар эди. Ҳазрат Навоий ишқни уч турга ажратади: авом ишқи, ишқи хос ва ишқи илоҳий. Авом ишқи адабиёт учун мавзу бўлолмайдиган инсонлар ўртасидаги фоний дунёга хос ҳиссиёт. Ишқи хос тушунчасини шартли равишда инсонийлик ва олийжанобликнинг юқори шакли, дейиш мумкин. Ишқи илоҳий – бевосита Яратганга бўлган муҳаббат. Бироқ Оллоҳни танимай туриб, Унга илоҳий ишқ билан боғланишнинг имкони йўқ. Зотан инсон табиатан ўзида бор нарсаларнигина кўра оловчи, ҳадди сиғмаганини эса, инкор этувчи қилиб яратилган. Бундан англашиладики, одам илоҳий ишққа ўз-ўзидан эга бўлиб қолмайди. Унинг муҳаббати олдиниға мажозий аҳамият касб этади, кейин эса бора-бора илоҳий ишққа айланиб кетади. Гарчи айрим хос кишилар ишқ тажаллиси билан дунёга келсалар-да, улар ҳам кўнгилларидаги муҳаббатларини қўйиш учун жой ахтарадилар ва Тангри таолога олиб борадиган йўл давомида ўзи каби ишқ аҳлидан бўлган пирнинг қалби шундай жой вазифасини ўтайди. Фарҳоднинг Ширинга, Мажнуннинг Лайлига муҳаббати худди шундай ишқдир. Дарвеш шоир Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ҳам бунга яққол мисол бўлади.

Мавзунинг долзарблиги

Битирув малакавий ишининг мавзусини Жалолиддин Румий ҳазратларининг “Дард инсонни поклаб, Раббига юзлаштиради” деган ҳикматларига мос келади, дейиш мумкин. Янаям аниқроқ айтганда, ушбу пьеса-монологда Худога ишонч, ишончсизлик ва сабот ҳақида сўз

боради. Шу ўринда маърифатга етишишда диний ахлоқнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб, унинг барча замонларда ҳам инсонни ҳақ йўлга бошлаганлигини айтиб ўтишимиз лозим.

Кимдир инсоннинг бошқа махлуқотдан устун жиҳати дея, сўзлай олишини, яна кимдир, онгли мавжудод эканлигини айтади. Ҳар икки фикрни тасдиқлаган ҳолда нега ҳеч кимга берилмаган ақл ва калом айнан Одамга ато этилди, деган савол ўйлантиради. Кимки бу каби саволга жавобни фақат ўзидан изласа, берган жавобини ўзидан бўлак биров тасдиқламаса, билингки, у аниқ адашмоқда. Пьесада озми, кўпми шу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган. Ғоянинг қай даражада ўсиб чиққанлигию, уни ўзга сингдириш мумкин ё мумкин эмаслиги ҳақида ҳеч ким ўқувчидан холисроқ фикр айтолмайди. Лекин комил ишонч билан айтиш мумкинки, кишини ўйлашга, ўз баҳосини билишга ундаш, яшашнинг моҳиятини англашга уриниш ҳар доим ҳар бир жамият учун долзарб мавзу бўлиб қолаверади. Қачонки, вақти келиб Нитше орзу қилган олий одамлар жамияти қарор топсагина бу мавзу ўз аҳамиятини йўқотади. Чунки комилликка эришган зот буларнинг ҳаммасини шундоқ ҳам билади.

Айнан шу мавзуда драматик жанрда яратилган асарлар сирасига озарбайжон шоир ва драматурги Ҳусайн Жовиднинг тўрт пардали фожеаси “Шайх Санъон” яққол мисол бўлади. Фожеа сўнггида тасаввуф адабиётига хос анъанавий ечим – ўлим, илоҳий ишқнинг висолга эришуви, юз беради. Мазкур битирув малакавий ишининг юқоридаги асардан фарқ қилувчи жиҳати шундаки, “Шайх Санъон” тўла-тўқис тасаввуфий адабиёт намунаси бўлса, бу пьесада тасаввуфга ишора қилинади, холос. Унинг бугунги кун ўқувчиси учун муҳим жиҳати комил инсон фалсафасини мутасаввифнинг яшаш тарзини бевосита

кўрсатмасдан, тасаввуф кишисига айланиш кераклиги ғоясини илгари суришидир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Замонавий адабиётда Худога қайтиш мавзусида яратилган асарлар сирасига Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” каби романлари киради. Бироқ ўзбек драматургиясида ҳали бу мавзуга қўл урилгани йўқ. Айтиб ўтиш жоизки, санаб ўтилган иккала роман ҳам ғоявий жиҳатдан сержило тасаввуф адабиётига ишора қилса-да, ҳаракат бирлиги ва ифода усулига кўра мумтоз намуналарга нисбатан торроқ қамровга эга. Драматик турга мансуб асарлар орасида фалсафий мавзудаги асарларнинг йўқлигини чуқур мушоҳада юритишни талаб қилувчи масалаларни ҳаракат замирида кўрсатиш биров ноқулай эканлиги билан боғлаш мумкин.

Битирув малакавий ишида тасаввуфий ғояларга мурожаат қилинган. Аввалига мажозий ишқ ҳақида сўз боради. Асар сўнггига келиб, қаҳрамонга мажозий ишқнинг илоҳий ишқ олдида ҳеч нарса эмаслиги аён бўлади. Бироқ ишни тўла-тўқис тасаввуф адабиёти намунаси деб бўлмайдиги, қаҳрамон қиз илоҳий ишқнинг киши ҳаётидаги аҳамиятини тушуниб етадию, аммо унинг ошиққа айлангани етарли даражада сезилмайди.

Айнан шу мавзуда драматик жанрда яратилган асарлар сирасига озарбайжон шоир ва драматурги Ҳусайн Жовиднинг тўрт пардали фожеаси “Шайх Санъон” яққол мисол бўлади. Асар қадимги араб ривоятига асосланади. Шайх Санъон ривояти Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарига ҳам киритилган бўлиб, унинг марказида мажозий ишқ йўлида заҳматлар чекувчи ва шу машаққатлари евазига

илоҳий ишққа эришувчи комил инсон образи туради. Ривоят сахнага айрим жузъий ўзгариш ва театр талабига мос равишда қўшимчалар киритиш билан кўчирилган. Фожеа сўнггида тасаввуф адабиётига хос анъанавий ечим – ўлим, илоҳий ишқнинг висолга эришуви, юз беради. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозим, “Шайх Санъон”да фабула таркибини ташкил этувчи баъзи қисмлар сахнада ижро этиш учун иложсиз эканлиги сабаб спектакльдан олиб ташланиши кераклиги изох сифатида келтириб ўтилади⁸. Бу ҳам қайсидир маънода тасаввуфнинг сахнага сиғмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Мақсад ва вазифалари

Тасаввуфий маъно ташувчи асарни драматургия жанрида, пьеса шаклида, ёзиш билан мувафакқият қозонишга тўла ишонч билдира олмаймиз. Бироқ ишнинг сўфиёна адабиётдан фарқли жиҳатларидан бири, дея юқорида тилга олиб ўтганимиз – илоҳий ишқнинг керакли даражада шаклланмаганлиги ва пьесадаги воқеаларнинг тасаввуфгача бўлган ҳаётни камраганлиги ишнинг тўла-тўқис тасаввуф адабиёти намунаси эмаслигини очиқ кўрсатади. Шу жиҳатдан қаралганда, пьеса-монолог ўз олдига тасаввуф ҳаётига йўл кўрсатишни, бор-йўғи ишора қилишнигина мақсад қилган, дейиш мумкин.

Ушбу драманинг вазифаси театр санъатида тасаввуф ғояларининг илгари сурилишига ҳисса қўшиш ва барча замонларда ҳам яшашнинг моҳияти масаласи долзарб бўлиб қолаверишини кўрсатиб беришдир.

Асар композицияси

Ушбу пьеса-монолог бир актёр театри учун мўлжалланган, икки қисмли драмадир. Асар тугуни қизнинг телефон гўшагини қўйиб, унинг

⁸ Ҳусайн Жовид. Шайх Санъон. Жаҳон адабиёти, 2012, 10. Б-107.

жиринглашини кутишидан бошланади. Кутиш замирида Худога исён келиб чиқадики, асарда кўтарилган энг асосий масала Яратганга исён ва итоатга келишдир.

Воқеалар ривожини ўлароқ кутиш азоби сабаб бўлиб, Яратганга ишонч – эътиқоднинг исёнга айланиб боришини айтиш мумкин.

Биринчи ва иккинчи қисм орасида бир неча йил вақт ўтиши қиз қалбидаги исён оловининг босилишига сабаб бўлади. Бу эса перипетиянинг рўй беришига замин ҳозирлайди. Қизнинг исёндан итоатга келиб мулоҳаза юрита бошлаши, аниқроқ айтганда, Момо Ҳавога мурожаат қилиши билан ўзликни англаш жараёнида тўғри йўлга бурилиш юз беради.

Асарда кульминация ва ечим бир нуқтага жамланган бўлиб, қизнинг яратилиш ва яшаш ҳақида узил-кесил хулосаларга келиши жами монологларнинг энг юқори пафоси ва муаммоларнинг ечими бўлиб хизмат қилади. Бироқ асар тузилишининг бу йўсин таҳлил қилиниши шартли равишда бўлганлигини айтиб ўтиш зарур. Чунки айтиб ўтилган бир неча қисмлар тўғридан-тўғри бир сахнада содир бўлади ва шу сабаб улар орасидаги фарқ деярли сезилмайди.

Асарнинг қисқача мазмуни

Асар қаҳрамони 18 ёшлардаги, севиб қолган қиз. Бироқ унинг муҳаббати шундай ҳолатдаки, бу севгига умид боғлаш бефойда. Чунки севган киши қизни умуман танимайди ва айти пайтда қаергадир жўнаб кетган. Қиз дил изҳори қилиш учун унинг қайтишини кутади. Айнан ўша инсонни севиши бежиз бўлмаганига астойдил ишонади.

“Ахир Худо бор-ку, У бирон нарсани билмаса, кўнглимга шу ишқни солармиди?!” Айнан шу мулоҳаза билан асосий масала муҳаббатга етиш эмас, Худонинг унга ато этган тақдирига ишонч эканлиги бўй кўрсатади. Бироқ қизнинг куфр хатоси борки, Худонинг ишларидан ўзи хоҳлаган нарсанигина топишни истайди, улкан ишончига мукофот тарзида Оллоҳдан одамлар наздида иложсиз муҳаббатига етиштиришини сўрайди. Сўрагани ижобат бўлавермагач исёнга, Худони инкор қилишгача боради. Адашиш шу даражага етадики, муқаддас китобларда айтилган фикрлар қизга акс таъсир эта бошлайди. Ўтаётган вақт маъносизлиги билан Худонинг одамзодга атаган энг ёвуз неъматини бўлиб кўринади. Лекин шунда ҳам вазият ўзгармайди, тақдир қизга шаккоклиги учун жазо беришга шошилмайди. Исён қилиб ҳам ҳеч нарсага эришмаган қиз иложсизликдан вазмин ҳолга етади. Бунгача кўп вақт ўтган. Бу билан қизнинг тўғри йўлга бурилишига айнан, сал олдинроқ ўзи қочиб қутулишни истаётгани – вақт ёрдам бергани, унинг ҳеч ҳам беҳуда ва ёвуз ҳодиса эмаслигига, аксинча, маърифатга етишишда асосий кўмакчи эканлигига урғу берилади. Шунингдек, қиз ночор аҳволга тушиб қолишида ўзининг хатоси борлигини тушуниб, бироқ бу хато айнан нимада эканлигини аниқ билмаган ҳолда қаерда ва қандай адашганини таҳлил қилиши, осонгина тополмагач, ортга чекинмай ўзини яна ва яна тафтиш қилиши, бунинг учун одамзоднинг ибтидосигача мулоҳаза қилиб кўриши инсонларни ҳар бир масала моҳиятига теранроқ эътибор қаратишга ундайди. Зеро шакл эмас, моҳият, зоҳир эмас, ботин аҳамиятга қаратишга арзийди. Худди шундай қизнинг хатоси ҳам қилган ишларида эмас, қалбини эгаллаган ниятида эканлиги маълум бўлади. Зотан, чорасиз қолган дамларда дунёлар қолиб, Худонинг марҳаматига ишониш ҳар доим Унинг муҳаббатига сабаб бўлган. Бироқ қиз ишончи эвазига Яратганнинг эмас,

яратиклардан бирининг муҳаббатини қозонишни истади. Охи-роқибатда у буларнинг барини – ўзи истаганидай бахтли бўлиш Оллоҳни таниш олдида арзимас дунё матоси эканини, бу дунё ҳаёти, муҳаббат, оила, фарзанд бандасини Мавлосига етиштиришдаги воситалар бўлиши кераклигини тушуниб етади. Асар ниҳоясида қиз Раббини таниш учун У кўрсатган йўл – ҳаёт бўйлаб боришга қарор қилади. Ушбу қарорда аёлнинг саодатга эришуви Момо Ҳавога буюрилганидек, ўз жуфтига ҳалол ҳамроҳлик қилиш билан амалга ошажаги айтиб ўтилади.

Қаҳрамоннинг характери

Асар қаҳрамони бўлмиш қиз аввалига биров ҳардамхаёл ва нотабиий қиёфада намоён бўлади. Унинг ўзини танимайдиган инсонни кутиши, бу ҳолга жуда катта эътибор қаратиши ўз-ўзини азоблайдиган телбага менгзайди. Бироқ ундаги муаммо севгисига етишишдан кўра Худога бўлган ишончига исбот топиш, энг аҳмоқона ҳолатда ҳам Ундан умид қилиб, хор бўлмасликка ўз ҳаётидан исбот қидириш, томонга ўзгариб боргани сайин характери очилиб бораверади. У тақдирнинг ишлари бежиз бўлмаслигига, Оллоҳнинг шу ишқни кўнглига солишида ҳикмат борлигига қаттиқ ишонади. Асар давомида ана шу ҳикматни излайди. У жуда синчковлик билан мулоҳаза юритади. Ҳатто оддийгина ҳолат – қўлидаги қоғозларнинг сочилиб кетиши ҳам уни жуда кўп ўйга толдиради. Хўш, булар нима сабаб бўлиб сочилдию, энди оқибати нима бўлади? Бу тарзда мулоҳазага берилиши ўз-ўзини назорат қилиши кучли эканлигини, шу билан бирга Худодан пешонасига ёзганларига изоҳ талаб қилишгача олиб борадиган, раддияларда букилмайдиган кайсар феъли борлигини кўрсатади.

Гуноҳнинг шакли қай хилда бўлмасин, у бандани Мавлосидан узоқлаштиради. Бу узоқлашишнинг охири ширкдир, Худони инкор қилишдир. Бу ҳолга етган, Яратувчисидан тонган яратиклар иймонга йўл топа олмасликлари айтилади. Қаҳрамон қизнинг биринчи қисм ўрталаридан куфрга берила бошлаши ундаги салбий бўёқларни оширади. Худога хитоблари шаккокона тус олади. Бирок қизнинг иймонга қайтишига йўл қалбининг бир четида сақланиб қолаверади. Бу унинг исён қилиб ҳам умидини узмаганлигидир. У Оллоҳнинг меҳрибонлигини инкор этади, борлигини эмас! Худога қарата: “Эҳтимол, ростдан ҳам йўқдирсан” дейиши Уни рад этишдан кўра аразлашга яқин туради. Чунки моҳиятан мурожаатнинг Худога қаратилганлиги ҳам Унинг борлигига ҳануз ишонишига кифоя қилади. Бу нарса биринчи қисм сўнггида яна-да аниқ сезилади: “...Фақат чимилдиқнинг ўзи йўқ. Қаёққадир йўқолган. Сен биласанми, қаерга кетганини? Биласан, лекин айтмайсан. Айтмасанг айтма! Сўраётганим йўқ!”

Қизнинг мулоҳазакорлиги ўз навбатида унинг кенг дунёқараш ва мустақил фикрлаш, фикрини далиллаш каби хислатларини очиб беради.

Характер марказида эса, албатта, моҳиятга интилиши туради. Онасини эслаши, иримларнинг келиб чиқишини тушунишга уринишида унинг шакл ва маъно тўғрисидаги қарашлари акс этади. Характер ўсиб бориб, иримлар қолиб, ўзи учун аҳамиятли мавзуга ўтиб кетади. Бу нарса қизнинг муҳим ва номуҳимни фарқлай олишини кўрсатади.

Қиз характерининг эътибор қаратиш зарур бўлган томонларидан яна бири унинг ўзи ҳақида: “Тахмин-тусмол қилишдан фойда йўқ. Худони билиш учун ўзимни билишим керак. Мен кимман ўзи, Худойим, нимаман?..” дея сўроқлашида маълум бўлади. Бу сўзлар нафақат

Ўзликни англашга уриниш, балки шахсияти борасида иккиланишда эканлигига ишора қилади. Шунингдек, унинг дунёнинг ибтидо ва интиҳоси ҳақида ўйлай туриб, хаёлига келган фикрдан кўрқиб, тавба қилиши ҳам иккиланувчанлигидандир. Шундай бўлса-да, қиз характерида шакллантирувчи асосий унсур – унинг Оллоҳга муносабати ўз тилидан Худо ҳақида айтган самимий сўзларида аён бўлади: “Ўзимнинг кимлигимни билмайман... лекин Сен айблардан пок Зотсан. Сен тўғри-нотўғри деган тушунчалардан баланд... муқаддассан. Сен... (*ҳаяжонланиб*) ҳа, Сен нотўғри, хато қилишдан баландсан! Шунчалик пок-покизасанки, ёмонликнинг бир заррасиниям яратишинг мумкин эмас! Шайтон масаласида ҳам шундай. Бир фариштаннинг ланъатланишини аллақандай олма... ё Одам кимлигини билдириш учунгина ўйлаб топган бўлишинг ҳечам мумкин эмас! (*Шошиб*) Унга махсус вазифа, шайтон бўлиш вазифасини юклаган бўлсанг керак...”

Битирув малакавий ишининг тузилиши

Ушбу битирув малакавий иши икки қисм: асар таҳлили ва асарнинг тўлиқ матнидан иборат.

Хулоса

Ёзувчи қоғоз юзига чизиқ тортар экан, нима қилаётганини яхши англаши зарур. Бир томчи сиёҳни ҳам беҳуда сарфлашга, мақсадсиз гаплар билан ўқувчининг вақтини исроф қилишга ҳаққи йўқ. Касб тақозоси шудир. Ўқитувчи талабарига билим беришни ният қилади, ўзини ниятига мувофиқ тарзда тутди. Зеро амалсиз сўз – жонсиз танадир. Ёзувчи санокли талабаларгина эмас, минглаб замондош, миллионлаб келажак авлод кишилари олдида ўзини маъсулиятли санаши ва шунга муносиб бўлишга тиришиши зарур. Агар шундай

бўлмаса, ундан умид қилиб, ёзмаларини ўқигувчиларга нафи тегишига иймони комил бўлмаса, ёзмагани маъқул. Ана шу диёнатдан бўлади. Диёнатимиз қай йўлга бошлаши кимлигимизни фош этади. Қайси миллат, қай бир халқда диёнатсиз кишилар кўпайса, ўша қавмнинг адабиёти сийқалашади. “Шоири ёлғон гапирган эл йўқ бўлиши”⁹ айтилади. Сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, маданий ҳаёт яшаш ва онг даражасини кўрсатади. Шундай экан, санъатни соф ҳолда асрашга интилувчи фидойи шахсларнинг кўпайиши учун астойдил ҳаракат қилмоғимиз зарур. Яна ва яна, такрор ва такрор айтишдан чарчамаймизки, кишилар бирлашсаларгина олий мақсадларга эришиш мумкин. “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас”. Кино ва театр бирдамликни икки ҳисса талаб қилувчи соҳалардир. Жамоавий олиб бориладиган, жамоага, халққа кўрсатишга мўлжалланган меҳнат жараёнида аъзоларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ниҳоятда муҳимдир. Бугунги экран ва сахна санъатимиздаги юқорида тилга олинган камчиликлар яқдилликнинг йўқлиги билан ҳам характерланади. Энг ёмони эса, кимдир айбимизни айтса, тан олмаслигимиз, тан олишни истамаслигимиздир. Бу ҳолга чек қўйиш яна таълим ва тарбия ишларига бориб тақалади. Адабиёт ва санъатнинг буни ҳисобга олмай иложи йўқ. Эҳтимол, кимдир “Санъатнинг вазифаси тарбия қилиш эмас, эстетик завқ берса кифоя, ҳеч қандай маъно ташимайдиган, шунчаки “пейзаж” ҳам санъат асари бўла олади” дейиши мумкин. Бу каби фикрлар кўп бор кулоққа чалинган. Худди шундай дегувчиларнинг вақт ўтиб, ўз фикрларидан қайтганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Пейзаж санъат асари бўла олиши ҳақидаги фикрга қўшилган ҳолда айтаемизки, унинг ҳам вазифаси бошқа барча санъат турлариники каби ўз мухлисини катарсисга солишдир. Нафақат

⁹Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. Б-201.

драматик асар, балки барча маданий ҳодиса хоҳ у адабиётнинг бошқа бир тури, хоҳ у рассом ижоди маҳсули ё мусиқий асар бўлсин, ўз олдига катарсисни мақсад қилиб қўйиши шарт! Кишилар қалбини поклаш – санъатнинг энг олий мақсади бўлсин! Агар шундай бўлмаса, меҳнатимиз ўз қийматини йўқотади. Ҳа, тўғри, олий мақсадни рўёбга чиқарувчи ижод маҳсуллари яратиш даражасига етгунча, нуқсонли, арзимас, нари-бери нарсалар ҳам ёзилиши керак. Оқ қоғозга чизик тортмай туриб, унинг қанчалик тўғри ё нотўғри чизилганлигини билиб бўлмайди. Ушбу битирув малакавий иши ана шундай қоралама асар бўлиб, таҳлилдаги баландпарвоз гапларни ўқиган ўқувчи асарнинг тўлиқ матнини ўқиш олдидан ундан катта ютуқларни кутишини хоҳламас эдик. Улуғ Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий “Ихё улум ад-Дин” (“Дин илмларини жонлантириш”) номли китобларининг биринчи қисми “Илм китоби”да олимларнинг таърифини келтириб, салаф олимнинг фосиқ олимдан фарқ қилувчи аломатларини бирма-бир баён қилгач: “Сен икки кишининг бири бўл: ё шу сифатларни ўзингда мужассам қил, ё қилолмаётганингни эътироф эт. Зинҳор учинчиси бўлма!”¹⁰ дея, жоҳиллик билан ўзни яхши санашдан қайтаради. Ёзувчи одам ёзганига амал қилиши, агар ўзи илгари сурган олийжаноб ғояларга муносиб яшаш қўлидан келмаса, мунофиққа айланмаслик учун ёзишдан чекиниши керак.

¹⁰Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихё улум ад-дин: Илм китоби. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007. Б-134.

Қайтиш

(пьеса-монолог)

Қайтиш учун фақат олға юриш керак.

Бошқа йўли йўқ.

(Манбаси номаълум)

Парда очилгач, томошабин эътибори нимқоронғи сахнадаги декорацияга битта чироқ ёрдамида жалб қилинади. Чироқ навбати билан ҳар бир буюмни ёритади. Хона мумтоз руҳда жиҳозланган. Чап томонда одамнинг бўйи баробар кўзгу, ўнг томонда стол ва стул, ундан нарироқда устига оппоқ дастурхон ёзилган, ёнига кўрпача тўшалган хонтахта бор. Икки ён деворга расмлар илинган. Кўзгунинг тепасига осилган расмда ёмғир ёғиб турган рутубатли тунда қора ҳарир кўйлаги этагини гижимлаб ушлаганча кўприк устида дарё сувига мамнун тикилиб турган қиз тасвирланган. Бошқасида ёмғирли, аммо ойдин оқшомда гулбутанинг тагида оппоқ либосда ой каби нур таратиб, сочларини тараб ўтирган пари сурати акс этган. Унинг ёнида мойбўёқда ишланган, барқ уриб очилган нилуфар гуллари чизилган расм илинган. Саҳна тўрига гул тераётган она ва бола тасвири туширилган кашта осилган. Хонтахта ва стол устида бир қанча китоблар турибди. Стол устида нафис нақшли чинни буюм, хонтахтанинг бир четида кичкина шиша идишга бир даста райҳон солиб қўйилган.

Хона тўлиқ ёритилади, бироқ столга қарама-қарши олис бурчак бироз қоронғилигича қолади. Ўша қоронғиликдан 18 ёшлардаги қиз

қўлида уй телефони билан кириб келади. Алоқа узилган, аммо қиз гўшакни жойига қўймай паришон қиёфада киради. У ўзбекча бурмали қўйлак кийган, узун сочларини орқасига ташлаб, сочтўғноғич қадаб қўйган.

Қиз (гўшакни жойига қўйиб). Тез орада қайтармиш, тез орада. (Пауза) Лекин қачон келаркин ўша “тез ора”? (Пауза) Мана ҳозир, бирпасдан кейин келса-чи?! Ахир эрта, индин ё ўн йилдан кейин эмас, тез орада қайтади, дейишди-ку! (Шошиб телефонни стол устига қўйиб) Тез орада... (Қаергадир шошиб чиқиб кетаётиб, кўзгудаги аксига кўзи тушади, яқин бориб, ўзига бироз синчков разм солади. Кўринмас бир доғни йўқотмоқчидай ишқалаб, юзини қизартиради. Сепкилни бу йўл билан кетказиб бўлмаслигини тушуниб, тўхтаб) Келганида ҳамма нарсани қўйиб, ҳеч нарсани ўйламасдан тўғри олдига бораман. (Овози титраб, ишончсизлик билан) Кейин... кейин яхши кўришимни айтаман. (Уят ва ўз-ўзига таъна билан) Хўш, кейин-чи? Унга бунинг фарқи бўлмаса-чи? Кейин нима қиламан? Уфф! Худойим, ўзинг айт, нима қилай? (Пауза) Балки кутишим керакмасдир? Унақада, нега айнан уни севишимни хоҳладинг? Бекоргамасдир?! Сен, ахир, бирон нарсани билмай туриб қилмайсан-ку! Тўғрими?! Бир айтиринг бўлмаса, кўнглимга шу ишқни солармидинг?! Одам зоти Сенинг буюклигинг олдида ҳеч нарса эмас, лекин Сен айблардан пок Зотсан. Яратикларингга арзимас нарсасдек муносабатда бўлмайсан. Шу пайтгача ҳеч хафа қилмадинг. Эндиям норози қилмайсан. Кут десанг, кутиб тураман. Мана, қара, ўзимга кеп қолдим. (Тўғноғичдан чиқиб, тўзгий бошлаган сочларини тўзгилаб) Ҳозир, мана.

Сочининг бир қисмини ўра бошлайди. Телефон жиринглайди. Қиз ҳаяжондан биров қотиб қолади, сўнг бориб, титроқ билан гўшакни кўтариб, жим туради.

Қиз *(бўшашиб).* Ҳа... Хўп-хўп, қиламан. Йўқ, кечикмайман, хўп. *(Гўшакни қўйиб)* Бундай кутиш мени ақлдан оздиради. *(Пауза)* Йўқ, мен ақлдан озиб бўлганман. Кимни кутяпман ўзи? Отимни ҳам, зотимни ҳам билмайдиган одамними? Унинг учун ҳеч киммасман-ку! Келди, кўрдим, севишимни айтдим ҳам дейлик, “Хўш, нима бўпти шунга?” деса-чи?! *(Биров жимликдан сўнг пастроқ овозда)* Ёнидаги анави қиздай чиройли бўлмасам. У ҳар жиҳатдан мендан ортиқ. Исмиям бошқача, бирам айтишли: Холисхон... *(Йиғлаб юбормаслик учун ўзини қўлга олиб)* Ҳа, майли, хон бўлмаса, ой бўлақолсин, барибир келганида унга учрайман. Унгача кутаман. Вақт... *(аланглаб)* соат неча бўлдийкин? Неча бўлсаям майли, қанча бўлсаям майли, индамай кутиб ўтираман.

Стулга ўтириб, чиннининг нақшларини бармогида чиза бошлайди. Орасида кўз қири билан телефонга қараб-қараб қўяди. Соатнинг чиқиллаган товуши элас-элас эшитилади. Бу овоз биринчи қисмда борган сари аниқроқ, баландроқ бўлиб боради.

Шу пайтгача қоронғи бурчакда ерга мук тушиб, жим ётган шарпа қимирлаб қўяди.

Қиз *(чўчиб орқасига қараб).* Эшик очилгандай бўлдимми? *(Пауза)* Э, йўқ, эшикдан келмайди-ку, барибир. Келса, менга телефон қилинглар, деб ишхонасидагилардан илтимос қилганман. Ўзи мени танимайди-ку. *(Яна телефонга қарайди. Қўлини секин чўзиб, гўшакни ушлаб туради: телефон жиринглаши билан дарров кўтармоқчи. Бировдан сўнг қўлини олиб)* Бунча бесабрман, балки тез орада, деб тез кунларда ё ойларда

келади, дейишгандир. Мен бўлсам... Шундай бўлса, нима қипти? Бир-икки ойда қайтса, нима бўпти? Ой йилмас-ку, атига ўттиз кун, ўтади-кетади. *(Телефон ва чиннини столнинг тўрига суриб қўяди. Сочидан яна бир қисм олиб, ўра бошлайди.)* Қайтганида... *(Хаёли паришон юриб, ўзича кулади. Хаёл сураётганини пайқаб, уялиб, ён-вериға қараб)* Жуда аҳмоқман-да. Йўқ жойдан орзу қилиб ўтирибман. *(Бироз гангиб, сўнг илтижоли)* Худойим, орзу қилиш Сенданку-а, тилак тилаганларни, албатта, эшитасан-ку, тўғрими? Ҳамма айтганларингни қиламан, энг яхши қиз бўламан, менга тўқис бахт бер. Ўзим хоҳлаган одамга турмушга чиқишни, иккита ширин ўғлчам бўлишини, улар билан маза қилиб яшашни сўраяпман. Булар Сенга қийин эмас-ку. *(Титраб)* Ёки... ёки у бошқа бирон тақдирни сўраганми Сендан, яъни бошқа бир – аниқ бир қизни... *(бошини адл қўтариб, бироқ қийналиб)* Ундай бўлса... уни... ниятларига етказ, *(ийглаб)* хўпми? Фақат мени бошқа бировга берма, Худойим, илтимос, берма. То ўзим умидимни узмагунимча кутиб тур. Биламан умидим ўлмайди. Кучли ишонч ўлиши мумкин, лекин ночор умид ўлмайди. Лекин Сен кутиб тур, майлими?

Қоронғи бурчакдаги шарпа шошилмасдан ўрнидан туради. Унинг бўй-бастаи, кийими худди қизникидек, фақат сочлари жуда калта. У қиз нафсининг рамзи. Қизни хатоларга бошлайди.

Шарпа ўзини, ён-атрофни ва қизни англашга ҳаракат қилади. Қиз шарпани гўё у йўқдек пайқамайди.

Қиз *(томоғини гижимлаб)*. Агар томоғимга тикилиб қолган шу умидни бир ёқли қилишга йиллар керак бўлса, майли, чидайман. Лекин ҳозир агар унга эътибор бермасам, худдики, заррача умидим қолмагандай, Сенга эмас, фактларга ишонсам – унга ҳеч киммаслигимга, севгимдан ҳеч нарса чиқмаслигига ишонсам, унда ким бўламан? Кейин олдинга

қандай бораман? Сенга нима дейман? Нега такдиримда йўқ инсонни севишимни хоҳладинг десам, “Нега менга ишонмадинг, нега кутмадинг?” демайсанми? Ахир ҳар бир ишингда ҳикмат бор. Фақат чидаш керак, чидаш... *(Гангиган қиёфада уёқдан бу ёққа юради. Шу қўйи бориб, телефонни яна олдинга суриб қўяди. Ўзи англамаган ҳолда йиғлаб)* Набийлар айтган-ку: “Охиригача чидаган нажот топади”. Чидаш керак.

Қиз сочидан яна бир ўрим ўради. Ҳар гал қиз сочини ўрганида шарпанинг аҳволи танг бўлаверади.

Қиз (қўз ёшини артиб). Ишлашим керак, иш вақтни ўлдиради.

Қиз хонтахта устидаги китоблардан бирини олиб ўқимоқчи бўлади. Шарпа бепарво боради ва унинг қўлидан китобни олиб, бир четга таишлайди. Қиз у ёқ - бу ёқни йиғиштиради. Шарпа ортидан нарсаларни ағдар-тўнтар қилади. Энди унинг юзида мазах ифодасини кўриш мумкин. Қиз шарпага норози қараб қўйиб чиқиб кетади. Бу қизнинг шарпага қаратган биринчи эътибори эди. Шарпа ниҳоят ўзининг борлигини сездира олганидан хурсанд бўлиб рақс тушади.

Қиз бир талай қоғозлар кўтариб қайтади. Ярми ўрилган сочлари йиғиштирилиб, орқасига тангиб қўйилган. Шарпа рақс тушаётди қизнинг йўлидан шиддат билан югуриб ўтади.

Қиз (шарпанинг шамолидан тўхтаб қолиб). Ҳаммаси бекор бўлса-я?! Худоям, унинг дунёдаги бор тартиботиям бошқача бўлса-я?! *(Доди томоғига тикилиб)* Яъни, ҳаётда хатолар ҳам бўлса – ҳеч қандай маъно чиқмайдиган ишлар деяпман. *(Қўлидагиларни шошиб столга қўймоқчи бўлади. Қоғозларнинг ярми стол устига, ярми ерга сочилиб кетади.)* Худди мана шундай, шу қоғозлардай! Уларнинг сочилиб кетганининг

ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ҳозир йиғиштириб оламан ва бундан ҳеч нарса чиқмайди!!! Сочилмаганида ҳам ҳеч фарқи бўлмасди. (*Йиғлаб, настроқ овозда*) Менинг кимни севишимнинг ҳам, кутиш ё кутмаслигимнинг ҳам фарқи йўқ.

Шарпа акс садо бўлиб қайтаради.

Акс-садо. Фарқи йўқ!

Қиз. Худо пешонамга ёзиб қўйган қисматини ўзгартирмайди.

Акс-садо. Ўзгартирмайди!!

Қиз. Ҳукмим ўқиб бўлинган...

Акс-садо. Бўлинган, бўлинган, бўлинган...

Қиз. Ахир шунча йил ўтди. Охиригача чидасам, бирон нима топаман дедим, аммо қани? Нима бўлди? (*Пауза*) Ўша кетганича қайтмади. Кейинроқ уни танийдиганларам кетди. Ҳеч нарса демай, ҳеч бир саволимга жавоб бермай кетишди... Эндиям Сенга ишонайми, Худойим? Аҳволимга бир қара: нима қолди? Кимим қолди? Ҳеч ким! Ҳеч нарсасиз, ҳеч кимсиз сўппайиб қолдим. Нимани ўйлаб менга шу қисматни бердинг? Нимани?! Қани айт, охиридаги нажот қани?! Ё булар бари ёлғонмиди? Ҳаммаси туз-тутуриғи йўқ, бемаза бир ўйинмиди? (*Чуқур дард билан*) Қаниса-а-ан!??

Қиз йиғлаб, норози ва мурасасиз қиёфада хона ўртасида айлана бўйлаб юради. У Худодан тонгани, шаккокликка берилган сари шарпаси қувонади.

Қиз (*таъна аралаш*). Манави тўрт девор, манави дунё, манави ҳиссиз, ҳеч нарсани тушунмайдиган, мундоқ тўхтаб ҳеч кимни эшитмайдиган,

бош-кети йўқ, охири ҳеч қандай маъносиёям йўқ вақтдан қутулиб чиқиб, ҳеч қаерга қочиб кетолмайман!!! Мана шундай, аҳмоқ соатга ўхшаб айланиб юраверамиз, юраверамиз – лекин бу йўлда ҳеч нарса йўқ, юриш учун бошқа йўл ҳам йўқ. Ҳамма шунақа! Ҳаммаси бекор, аслида абас эканига сал-пал ақли етадиганлар ўзини у дунёнинг жаннати билан овутмоқчи бўлади. Лекин, ҳой, эсипастлар, хўп, жаннати бўлдингиз ҳам дейлик, кейин-чи, кейин нима бўлади? Ўзингиз ўйлаб кўринг, қачонгача жаннатда маза қилиб яшаш мумкин? Қачонгача?! Ахир би-ир хил яхши ҳаёт жонга тегмайдими? Буларнинг охири йўқми? Охирида ҳеч нарса йўқми? Наҳотки, Худо одамларни яхши-ёмонга ажратиш учунгина яратган бўлса?! Ўша яхши-ёмонга ажратиш бўлиб ўтганидан кейин одамлар бориб олган жойларида шу-унчаки яшайверишадими?.. Кўрдингизми, ҳаммаси сароб, жаннатда ҳам яшаб бўлмайди. То манави бемаъни вақтдан қутулмагунча, ҳеч қаерда яшаб бўлмайди!

Соат йўналиши бўйлаб юраётган қиз тўхтаб, биров қараб туриб, тесқари йўналишида бир марта айлангач, бориб хонтахтанинг олдида ўтиради. Бир китобни очиб ўқийди. Ундан нималарнидир кўчириб ёзади: ўзини чалғитмоқчи. Бирдан ишидан тўхтаб, стол томонга биров қараб туради. Туриб келиб, сочилиб ётган қозғоларнинг олдида биров тўхтаб, сўнг уларни айланиб ўтиб, телефонни олиб кетмоқчи бўлади. Лекин унинг сими хонтахтагача етмайди. Қиз қанча уринмасин, сими деярли узайтиролмайди. Охири уни стол ва хонтахтанинг ўртасига ерга қўйиб қўяди. Бориб жойига ўтиради. Ишламоқчи бўлади. Телефонга қараб-қараб қўяди.

Шарпа аввалига жимгина кузатиб туради, сўнгра ишоралар билан хонтахтани телефонга суриб келишни маслаҳат беради.

Қиз (*унинг ишорасини тушуниб, қаттиқ кулиб*). Ха-ха-ха! Топдим! (*Туриб*) Мана, ҳозир. (*Хонтахтани олдинга суриб келади. Телефонни унинг устига қўйиб*) Ана бўлди! Кўрдингми, иложини қилдим. Ха-ха! Нима, Сенингча, у жирингламайдими? Тўққиз йилдан бери чанг босиб турибди-ку, деяпсан-да?! Майли... десанг, деявер. (*Ўжарлик билан*) Мен... мен чангини артиб қўяман. (*Шарпа латта олиб келади, қиз телефонни артади.*) Хўп, яхши. Ҳеч ким кўнғироқ қилмайдибунга. Қиладиган одамнинг ўзи йўқ. Энди ҳаммасига реал қарайман, Сендан мўъжиза кутиб ўтирмайман. (*Телефонни хонтахтанинг тагига қўйиб*) Ўйлаб кўрсам, Сенсиз ҳам аҳволим ёмон эмас. Кетган бўлса, кетгандир! Ўзим қидириб боришим мумкин. Нега овора бўларканман, рад этади демоқчимисан? (*Ўсмоқчилаб*) Холисхонми? Э, йўқ, энди бошқа бировни алда. Холисхон билан бирга ишларди – ишдаги шериги эди, холос.

Бўшашиб, биров жимиб қолади.

Қиз (*маъюс*). Ўша Холисхон қандай яшаётганикин? Оиласи бўлса керак... Яхши кўрган эри, иккита ўғли бордир... Икки ўғил... Мениям иккита ўғлим бўлади, мана кўрасан, бўлади! (*Йиғлагудай*) Ростданам бўлармикан?.. Яна кўрармикинман уни? Балки, энди унутишим керакдир, қисматга кўнишим керакдир... Қисматга кўниш... (*Телбаларча кулиб*) Шўр қисматга кўниш! (*Таҳдидона*) Кўн-май-ман! Ҳечам кўнмайман! То нега менга шу шўр ёзиғни раво кўрганингни айтмагунингча ҳеч бир гапингга рози бўлмайман. Қўлимдан нима келарди?.. (*Тентираб*) Нима?.. Ҳеч нима! Сенга қарши ҳеч нима келмайди қўлимдан. Ўтган вақтни қайтаролмайман. Кетган яқинларимниям қайтаролмайман. Уларга нима дейман: “Қаранглар, мен тузалдим, энди ҳеч кимни кутмаяпман” дейманми?! Нега энди тузалдим? Улар айтгандай телба эмасдим-ку, тузаладиган. Қайтанга

энди жинни бўляпман. Бу бўшлиқ, ҳеч нарсасизлик ақлдан оздиради мени. *(Қаттиқ кулиб)* Ха-ха-ха! Ҳеч нарсасизлик, яъни Худосизлик – мени ўлдираётган! *(Йиғлаб)* Ахир мен эмас, унинг ўзи, Худо мени унутди-ку! Шунчаки эсидан чиқиб қолдим. Ўйинга ярамайдиган сарқитга айланиб қолдим. *(Чўккалаб)* Ҳозир ҳам эшитаётгани йўқ. Ичимда гапираётган менинг ўзим – сарқитнинг устидан кулаётган ўзимман ўша.

Йиғлаганча сочидан тўғноғични олиб, бир қисмини ўради. Ўрнидан туриб, бир муддат нима қилишини билмай хонада тентираб юради.

Қиз. Ҳаммаси уюштирилганга ўхшайди, атай шундай бўлиши учун ўйлаб топилгандай. *(Телбавор)* Худо шу қисматни пешонамга ёзиш учун ўйлаб топган. Кутиб-кутиб адо бўлсин, деган. Майли, шуни хоҳласа, адо бўлгунча кутаман. Адо бўлишдан ҳам ҳикмат топса бўлади. Фақат ҳаммаси хато бўлмаса бўлгани. *(Телефонни хонтахтанинг тагидан олиб, авайлаб устига қўяди. Сочидан ўриб, ўзини овутуши оҳангида)* Хато эмас, Худонинг ишларида хато бўлмайди. *(Қўрқув аралаш сочилиб ётган қоғозларга қараб)* Булар-чи?.. Э, йўқ-йўқ, булар ҳеч нима эмас, арзимаган қоғозлар, ҳа, бор-йўғи қоғозлар. Ҳамма майда-чуйдаларга шунақа эътибор бераверсам, ҳеч нарсани тушуниб улгурмасимдан адо бўламан. Индамай йиғиштириб қўяман.

Қоғозларни йиғи бошлайди. Шарпа ёрдамлашади.

Қиз *(бирдан тўхтаб).* Кимни оқламоқчи бўляпман: ўзимними, Худоними?.. Севишим хато бўлмаган, бундан бир маъно топаман, дегим келяпти. Лекин у ҳолда, буларни нега йиғиштиряпман? Ҳозир шунчаки йиғиштириб қўйсам, бекордан-бекорга сочилиб кетган бўлиб чиқади-ку! Худонинг ишларида ҳам хатолар бўлиши мумкин, деган маъно чиқиб

қолади бундан. Йўқ-йўқ, майда-чуйда эмас. Қоғознинг сочилишиям, бошқасиям хато бўлиши мумкин бўлган арзимас нарса эмас. Ҳаётда икир-чикирлар бўлмайди. Ҳамма нарса нимагадир хизмат қилади, ҳаммасининг сабаби ва оқибати бор. *(Паришон юриб, сочининг қолганини ҳам ўриб)* Сабаб ва оқибат... Қоғозлар сочилишининг сабаби – мен кўрқиб кетдим. Ичимдаги шубҳадан, Худонинг ишларида хатолар бўлиши мумкин, деган гумондан кўрқиб кетдим. Оқибати-чи? *(Ўйланиб қолиб)* Ҳозир кўрамиз.

Аввал бироз иккиланиб, сўнг дадил йиғиштира бошлайди. Шарпа ҳеч нарса қилмай, хавотир билан қараб туради. Қиз ҳаммасини йиғиб бўлиб, нима қилишни билмай туриб қолади. Шарпа бу ишлардан ҳеч қандай маъно чиқмаганидан беҳад хурсанд бўлади.

Қиз *(ҳам кўрқув, норозилик, ҳам иложсизликдан ички бир дард билан дод солиб)*. Бекор экан... Оқибатсиз ишлар ҳам бор экан. *(Овозини бир нарда кўтариб, таъна билан)* Сени тушунишни хоҳловдим, ишларингдан маъно топмоқчийдим. Бекор экан-ку! Қара! Бекордан-бекорга сочилган экан, ҳеч нарса бўлмагандай йиғиб олдим. Демак... демак, Сен ҳам шундай қиласан, одамларни – кўғирчоқларингни шунчаки ҳар қаёққа сочиб юбориб, кейин ҳаммаси жонингга текканида индамай йиғиштириб қўясан. *(Телбаларча кулиб)* Ахир “Сенга бу дунёнинг пашша қанотичалик қадри йўқ”. Шундай дейилганди-я, муқаддас ёзиғларингда?! *(Исён билан)* Муқаддас ёзиғ, муқаддас тушунча! Одамлар Сени муқаддас билишади. Сен-чи? Сенда муқаддас нарсалар йўқ, Сендан баланд нарсанинг ўзи йўқ-да, чунки! Лекин муқаддас бўлиш фақат баланд бўлиш дегани эмас. *(Ёлвориб)* Сени муқаддас билишим учун ўзингни танитишинг керак, Сени ҳис қилишим керак. Меҳрингни сезай... Майли, марҳамат кўрсатмасанг, ҳеч бўлмаса

индамай турма! Бир нима де. *(Бироз кутиб, сўнг дардли)* Ичим бў-ў-ўм-бўш. Демак, йўқсан, Муқаддасим, энди йўқсан. *(Ўрнидан туриб, ҳиссиз)* Балки аслидаям йўқдирсан... Мен саробга ишондим, шунинг учун ўзимам сароб бўлдим. Энди ҳаммасини унутаман. *(Қоғозларни ҳалиям ушлаб турганини кўриб)* Буларниям унутаман.

Қоғозларни стол устига қўйиб, каттароқ қути олиб келади. Қоғозларни унга солаётиб, ичидан бир нечта газета-журнал олади. Ҳафсаласизлик билан варақлайди. Шарпа ҳам бир журнални очиб кўради.

Қиз. Ҳамма нарсанинг тўғри-нотўғрилигини ўйлайвермасдан, ҳаётни мана шунақа ялтир-юлтирлар билан тўлдириб яшасаям бўлади.

Шарпа қўлидаги журнални қизга бериб, “Ўқи” деб ишора қилади.

Қиз *(истеҳзоли кулиб)*. Рекламани қаранглар: “Қалин ва мустаҳкам сочлар – орзуингизми? Ташвишланманг, *(таъкидлаб)* табиат беролмаганини (!) илм-фандан олишингиз мумкин. Лореал парисдан илмий инқилоб! Elseve билан сочларингиз қалин ва мустаҳкам. Сиз бундан кўпроғига лойиқсиз!” Қара-я, Сен беролмаганингни илм-фан берармиш! Шаккок бир мен эмас эканман. *(Яна ўқийди. Ўқишдан тўхтаб, бироз қотиб қолиб, сўнг яна ўқийди. Довдираб)* Б-бундан чиқди... илм-фан... *(яна ўқийди. Ҳам қўрқув, ҳам қувонч билан)* илм-фан... ў-ғил беришиям мумкин экан. Ҳа, мана, худди шундай ёзилган: “Ҳомила ўғил бўлиши учун...” *(телбаларча кулиб)* Ха-ха-ха! Сенсиз ҳам ўғил туғса бўларкан-ку! Сендан сўрамасданам орзуларга етиш мумкин экан. Сен... мен... *(йигламсираб)* мен иккита ўғил туғаман. Эшитмасанг, эшитмай қўяқол! Илтижоларимни эшитгин ҳам демайман. Энди Сендан сўраб ўтирмайман! *(Йиглаб, телбаларча у ёқдан бу ёққа юриб)* Иккита ўғил туғаман... иккита... Мен *(тўхтаб, дардли)* мен фақат унинг

болаларини туғаман. (Ўтириб қолиб, газетани гижимлаб йиғлайди.)
 ...унинг болаларини... (Бироздан сўнг оғир қадамлар билан столнинг
 ёнига келади. Газетани қутига ташлаб, ундан бир жуфт маҳси олади.
 Бироз айлантириб кўргач, кийиб) Биласанми, бу маҳси қачон кийилган?
 Ўттиз йил олдин, онам чимилдиққа кийиб кирган. Паранжи-чимматиям
 турибди. Фақат чимилдиқнинг ўзи йўқ. Қаёққадир йўқолган. Сен
 биласанми, қаерга кетганини? Биласан, лекин айтмайсан. Айтмасанг
 айтма! Сўраётганим йўқ!

Ҳамма нарсани қутига жойлайди. Маҳси оёғида қолаверади.
 Қутини жойига олиб бориб, тугунча ва паранжи олиб қайтади. Уларни
 стулга қўйиб, телефонни авайлаб олиб келиб, столга қўяди. Аввал
 дуррани ўрайди. Сўнгра узун енгли яктакни кияди. Паранжини ёпиниб,
 тугунчани қўлига олиб, телефонни меҳр билан силаб қўйгач кета
 бошлайди. Саҳнанинг тўрига етганда тўхтаб, ортига, телефонга
 қарайди. Қайтиб келиб, уни ўзича ўнгайроқ жойга қўяди. Секин юриб
 залдан кимнидир қидиради. Тополмагач, маҳзун кета бошлайди. “Ҳаёли
 қиз” куйи чалина бошлайди. Қиз юришдан тўхтайди, қўлидаги тугунча
 тушади. Умидвор ортга қарайди. Паранжи аввал елкасига, сўнг ерга
 тушади. Қиз рақсга туша бошлайди. Рақс ҳаракатлари ҳам илтижони,
 ҳам исённи ифодалайди. Қизнинг юзида ҳеч қандай ифода сезилмайди,
 фақат тинимсиз кўзёши оқади, холос. Шарпа хона бўйлаб соат
 йўналишига тесқари йўналишида айланиб юради. Куй охирлаганда қиз
 тўсатдан тўхтаб, паранжининг ёнига югуриб боради. Паранжини
 ёпиниб, тугунчани олади ва яна кимнидир қидиради. Сўнгги умидини
 узиб кетаётиб, кўзгудаги аксини кўриб тўхтайди. Кўзгуга яқин боради.
 Тугунчага қистирилган рўмолчани титроқ билан ўз аксига узатади.
 Бироз шундай тургач, қўлидан тугунча тушади. Йиғлаганча ўзини

тугунча устига ташлайди. Паранжи устига ёпилиб қолади. Чироқ ўчади. Куй ва соатнинг чиқиллаган овози тинади.

Парда

Иккинчи парда

Биринчи саҳнадаги хона, лекин у энди мутлақо бўм-бўш. Қиз аввалгидай ўзбекча кўйлакда, ўрилган сочлари йиғиштирилган, рўмолини ўрамай елкасига ташлаб қўйган. У катта тоғорада сув олиб киради. Саҳнанинг олд қисмигача юриб келиб, оғир тин олиб, полни арта бошлайди. У ишини ниҳоятда ҳафсала билан бажаради. Шарпа хонада бемалол ивирсиб юради.

Қиз (*ишидан тўхтаб*). Эй, ер, сенинг юзингни ёруғ қилиб тозалаяпман. Айтгинки, менинг юзим ҳам ёруғ бўлсин. (*Пауза*) Онам қачон супургини қўллариغا олсалар, шундай дердилар. У киши ҳар бир ишни шундай қилардилар, доим шунга ўхшаш гапларни айтиб юрардилар. Эсимда, баъзан тушунмай, “Нега буни бундай қилдингиз, бошқача қилса бўлмайдими?” Ёки “Боя айтган гапингизни тушунтиринг, нима дегани ўзи у?” десам, “Билмасам, онам шундай қилардилар, мен ҳам шунга ўрганганман-да” деб жавоб берардилар. Шунчаки одат бўлиб қолган бўлса керак-да. (*Пауза*) Қизиқ, бувим ўзлари ўйлаб топганмикин бу одатларини ё улар ҳам оналаридан ўрганганмикан. Лекин барибир, кимдир бошлаган бўлиб чиқади-ку ҳаммасини. Ким бўлса ҳам, ҳарқалай, нима қилаётганини билган бўлиши керак. Лекин кейинчалик шакл қолгану маъно унутилган. Шундай қилиб бари бор-йўғи одатга

айланган. Одамзод ўзи шунақа, шаклга ортиқча берилиб, асл моҳиятни унутиб қўяди. Моҳият йўқолгани сари одатлар бидъатга айланади. Мана, иримлар қаёқдан келади! Кўр-кўрона ирим қилиб юрмасдан моҳиятни англаш керак. *(Ҳаяжонланиб)* Ҳа, ҳа, айнан англаш керак! *(Тўсатдан истехзоли кулиб)* Лекин қандай қилиб? Шунча нарсани тушунишга ақлим етмаса керак-ов. Ўзимни билолмадим-ку: неча-неча кунларимни шу ерда йиғлаб ўтказдим, нима қилаётганимни билмасдан. Бировлар ўйлаб топган нарсаларнинг моҳиятини билиш қўлимдан келармиди. *(Бироз жаҳл билан пол артишини давом эттиради. Ҳазиломуз)* Энг яхшиси барини бошлаган одамдан сўраш керак. *(Ўйчан, чўзиб)* Ҳамма оналарнинг онаси... Момо Ҳаводан сўраш керак.

Шарпа Момо Ҳаво ким бўлди, дегандай “ялт” этиб қарайди. Қиз унга эътибор бермай бироз жимиб қолади.

Қиз *(сал ҳаяжонда, иккиланиш билан, ярим овозда).* Агар Момо Ҳаводан... сўрашнинг иложи бўлганида... ирим-пиримни сўраб ўтирмасдим. Мен ундан *(гўё ростдан ҳам Момо Ҳаво билан гаплашаётгандек, овозидаги иккиланиш ва титроқ йўқолиб, жуда самимий)* “Сен, энам, ростдан ҳам қовурғадан яралганмисан? Йўқ, майли, қовурғани қўйиб тур, *(ҳаяжонланиб)* сен... сен у ёқда Худони кўргансан-а, тўғрими? Чиндан кўрганмисан Уни? У ўзи қанақа, а, қанақа?” *(хаёлга берилиб кетганини пайқаб, ўзини ўнглаб)* деб сўрардим.

Қиз Худони тилга олганда шарпа норози қиёфага киради. Қиз пол артишини маъюс давом эттиради.

Қиз. Нега айнан қовурғадан? Одам Атони лойдан пайдо қилганидай, яна бир марта лойдан яратиб қўя қолса бўлмасмиди аёлниям?.. Барибир иккаласиям яна тупроққа қўйилади-ку, бирга кўмилмаса... *(Саволини*

жавобсиз қолдириб, ишини давом эттиради. Бу мавзуни ёнгиси келиб, қувноқ) Қовурғами ё умуртқами, менга нима? Момо Ҳавомидим, қайғураман. Мени онам тукқан, энди ажалим етгунча амаллаб яшайман-да, кейин жимгина ўламан – бўлди, шу! Ҳозир шунча жойни тозалашим керак. (Кулиб) Ажалим ҳадемай келиб қолса, уйим ивирсиб қолса, яхши бўлмас.

Ишини тезроқ тугатмоқчи бўлиб, бир қанча жойни шошилишч артади. Сўнг артган жойига қараб туриб, кўнгли тўлмай яна бошидан ҳафсала билан арта бошлайди.

Қиз (*ўзини қойиб*). Шошилиб чала иш қилганимни қаранглар. Чала ишдан хунук нарса йўқ. Ўзим аҳмоқман-да! Шошиб қаёққа бораман? (*Кулиб*) Ўзим айтган бўлсам, ажалимни ку-та-ман, деб. Излаб бораман, демадим-ку, йўлга чиқишим керак, деб шошсам! (*Маъюсланиб*) Ким билади, қанча кутаман энди уни? Бор ишларини тугатиб, кўнгли-жойини саранжомлаб қўйганлар кўп бўлса, Ажал бобонинг ҳали-вери қўли тегмаса керак. (*Ўзини овутиб*) Ҳа, майли, шуниси ҳам яхши. То келгунича яхшилаб тозалайвераман. (*Бироз артгач ўзидан мамнун*) Уйингни тозаласанг маза-да, енгил бўласан. Авваллари бу ерда ортиқча нарсалар кўплигида кўнгилдагидай тозалаб бўлмасди. Энди эса, ҳеч нарса йўқ, фақат мен (*бироз жимиб қолиб, ишончсиз, паст овозда*) ...ва Худо бор.

Шарпа “Йў-ўқ, мен борман” деган ишоралар қилади.

Қиз (*уни тушуниб, бепарво*) Биламан борлигингни. Худо йўқ экан, деганим ҳам эсимда. Орзуларимга қўшиб Худони ҳам унутгандим. Лекин агар чиндан Худо бўлмаса, Момо Ҳаво қандай қилиб қовурғадан аёлга айланган? Ўзинг ўйлаб кўр, Усиз ҳеч иложи йўқ! Худо бўлмаса,

мавжуд бўлмасдик, умуман, ҳеч нарса бўлмасди. (*Ўйланиб қолиб, бироз чўчиброқ*) Б-бундан чиқди, одамзоднинг ибтидоси тупроқ эмас, мавжудлиги ягона ҳақиқат бўлган Худонинг ўзи экан-да! Ахир Худосиз тупроқ ҳам бўлмасди. (*Янаям чўчиб*) Унақада и-интиҳоси ҳам... Худоми?! (*Тавба қилиб*) Ё тавба, нималар деяпман? Бўлди-ей, ўйлайверса, хаёлга нималар келмайди. Жимгина ишимни қилганим яхши.

Қиз ўзини англагани сайин шарпа қийналади.

Қиз (*пол арта туриб тўсатдан тўхтаб, самимий*). Энажон, ўзинг айт, сен нега яралгансан ўзи? Ҳаммамиз нимага яшаймиз?

Шарпа акс-садо бўлиб жавоб қайтаради.

Акс-садо. Одамзод бахтли бўлиш учун яратилган. Бахт учун! Бахт учун!! Бахт учун!!!

Бошқа акс-садо. (*овоз анча заиф ва олисдан келади*). Бахт ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман.

Шарпа қўрқиб кетади. Қиз ҳайрон.

2-акс-садо. Мен фақат Одамнинг қовурғасидан, унга жуфт қилиб яратилганимни биламан, холос.

Қиз (*ўйланиб қолиб, масалани тушунгандай, ҳаяжонланиб*). Шунинг учун ҳам яна бир марта лой ясамасдан қовурғадан яратган экан-да! Яна бошқатдан лойга жон киргизганида у бошқа олам, бу бошқа олам бўларди, жуфт бўлишмасди. (*Таъна аралаш*) Шуни айтаман-да! Аёл эркакка ҳамроҳ қилиб яратилган. Унда мен-чи?! Мен нега ёлғизман? (*Таъна ва ҳасрат билан*) Яна хатоми?! Янами?! Хўп, хато ҳам дейлик, хўш, нимада ўша хато? Мен хато севдимми? (*Пауза*) Лекин севиш

менинг ихтиёримда эмас-ку! Яна Худони айблаяпман, жуфтим бўлмаган инсонга кўнглимни боғлаган, деяпман. Уфф! Чалкашиб кетдим. *(У ёқ бу ёгини тўғрилаб, жиддий)* Бошидан келаман. Айтиладики, энг аввал коинотда ҳеч нарса йўқ эди: кўриниб турган материя ҳам, одам ҳам, ҳатто, фаришталар ҳам. Фақат унинг Ўзи, ибтидо ва интиҳоси йўқ, ягона мутлақ ҳақиқат бўлган Худонинг ўзи бор эди. Кейин У ҳамма нарсани яратди... Хўш, нега яратди? *(Жавоб тополмай оғизларча)* Яратишни хоҳлади, тамом-вассалом.

Саволига жавоб тополмагач, ҳаммасига қўл силтаб ишини давом эттиради. Бир четда деворга тескари ўгириб қўйилгани бўйича қолиб кетган нилуфар гуллари чизилган расмни топиб олади.

Қиз *(расмга ҳайрон қараб, яна бирон нарса қолганмикан деб излаб)*. Э, сен бу ерда қандай қилиб қолиб кетдинг? Ҳаётдан безиб, ҳамма нарсани чиқариб ташлагандим-ку! Ҳа, майли, қолган бўлсанг, энди жойингга илиб қўяман.

Расмни деворга илмоқчи бўлади. Шарпа тортиб олишга уринади.

Қиз. Йўқ, бермайман. Сенга қолса, фақат ўзингнинг айтганинг бўлса! Энди буни отиб юборишдан маъни йўқ. Худо севгимдан воз кечишимни хоҳлаган, иймонимдан эмас!

Расмни илади. Шарпа аразлаган бўлади. У шу йўл билан қизни қайтармоқчи.

Қиз *(унга эътибор бермай)*. Бу гулларнинг омади бор. Кимсан Будда уларни жуда-а яхши кўради. Ҳар доим қа-араб ўтиради. *(Паришон)* Лекин негадир бу расмда Будда йўқ. Бўлганида унданам сўраб кўрардим Худо ҳақида. У биларди, авлиё-ку, билади-да. Лекин ҳозир уни қаердан

хам топардим... *(Жуда самимий)* Энажон, боя нима дединг, нега яратилганман дединг? Яна бир қайтар, тушунтириброк айт. Эҳтимол, қисматимиз бирдир, ҳамма аёлларнинг тақдири сенинг пешонангга ёзилгандир?.

Акс-садо. Одамга ҳамроҳлик қилиш учун яратилганман.

Қиз *(ўйланиб)*. Ҳамроҳлик қилиш... Одатда бирон жойга боришда ёки бирон ишни қилишда ҳамроҳлик қилишади. *(Тутилиб)* Момо Ҳаво... Одам Атога... ҳамроҳлик қилади... Одам Ато қилиши керак бўлган ишни бажаришда! *(Ҳайрон)* Одам Ато нима қилиши керак? *(Ёниб)* Шунга жавоб топсам ҳаммасини тушунсам керак! Лекин Одам Атодан сўраёлмайман. Уни танимайман-ку! *(Тушунтириб)* Тўғри, Момо Ҳавониям кўрмаганман, аммо у аёл, яъни... мен... дегани. Одам Ато эркак – бегона! Қовурға? Ҳа-а, қовурғалар бир хил, лекин мен ҳеч кимнинг қовурғасига айланолмадим-ку! Гап шунда-да! Шунинг учун ҳам Одам Ато ҳали менга бегона. *(Муаммога астойдил ечим излаб)* Хў-ўш, энди нима қилиш керак?.. Қовурғага айлангунимча кутолмайман. *(Кулиб)* Нега шу қийшиқ қовурға бўлмай, тикка таёқлигимча қолганимни билмоқчиман-ку, ўзи! Ҳойнаҳой, қаердадир хато қилганман. Лекин қаерда ўша хато? Қаерда адашганимни билмасанг, бошидан изла, дейишган. Қилган ишларимни ўйласам, хато йўқдай: севдим, Худодан сўрадим, ишониб кутдим. Ё етарлича кутмадимми?.. *(Кулиб инкор этиб)* Йўғ-э, яна қанча кутиш мумкин. Ўттизга кирдим, бу ёшда чопқиллаган иккита ўғлим бўлиши керак эди. *(Жиддий, лекин жуда ғамгин)* Бошқа томондан, қирқ ёшгача туғиш мумкин...

Узоқ жимиб қолади. Гўё яна ўн йил кутмоқчидай фикр уйғонади. Ўйлашни қўйиб, пол артишни давом эттиради.

Қиз. Энажон, сенинг кўп ўғил-қизинг бўлган-а? Кўп болаларнинг онаси бўлиш қанақа? *(Маҳзун)* Эшитгандим, бир қари қиз ўлими олдидан нукул энди ҳеч қачон туғилмайдиган болалари ҳақида ўйларкан. Бошқаси сеникидек кўп, ҳаммаси бир хил болаларини тушида кўраркан. Охири ўша қиз тушидан айрилолмай кўп дори ичиб ухлаб, уйғонмабди. Мен авваллари кўп ўйлардим. Ҳатто Худодан сўраб ўтирмай иккита ўғилли бўлмоқчийдим... *(Бирдан тушуниб)* Вой Худо! Оллоҳнинг розилигисиз туғиладиган икки ўғлим... *(йиғи аралаш)* Қ-Қобил билан Ҳобил бўлармиди?... Бир-бирини ўлдиришга қодир ака-укалар... *(Ўтириб қолиб, наст овозда)* Хато хатони чақириши рост экан-да. Шунча шаккоклигимдан кейин ҳам Худо мени асраганга ўхшайди. Хатомни тушунишимга умид қилган, шекилли. *(Кўзёшини артиб, туриб)* Ростданам тушунишим керак! *(Ўйланиб юриб)* Қилган ишларимда хато кўрмаётган бўлсам, янаям бошроғига қайтишим керак. *(Тўхтаб, иккиланиб роқ)* Одам Атогача... қайтаман. Одам Ато... Уни хатто тасаввур ҳам қилолмайман. Энди нима қилсам? *(Нима қилишни билмай ишини давом эттиради. Тозалай туриб)* Балки ичимда гапираётган Момо Ҳавоям, Худоям эмас, Шайтондир?..

Шарпа “Ҳа, у – шайтон. Сен менга қулоқ сол” дея ишоралар қилади.

Қиз *(шарпага, ўйга ботган тарзда).* Сенинг ҳам кимлигингни аниқ билмайман. Эҳтимол, асли сен – гуноҳимдирсан. Гапингга кириб нимага эришдим? Бахтли бўлиш учун туғилгансан, дегандинг. Бахтли бўлдимми?

Шарпа ҳали бахтли бўласан, дея парвона бўлади.

Қиз. Бахт, бахт, нукул бахт, дейсан! Бунча очкўзсан! Худо бермаса, тортиб олармидим бахтни?!

Шарпа “Ҳа, тортиб ол” ишорасини қилади.

Қиз (*унга қараб туриб*). Ҳа-а, очкўзсан, жуда-жуда очкўзсан. Демак... демак, сен – Нафссан! Менинг нафсимсан. (*Пауза*) Сендан қутулишим керак!

Шарпа қўрқувдан қотиб қолади. Сўнг яна қизни йўригига юргизишга уринади. Қиз унга ортиқ эътибор бермайди. Қуйида қизнинг нафсдан холи тарзда ўзлигини англаши шарпанинг қоронғи бурчакка чекиниб, йўқолишига сабаб бўлади.

Қиз (*чуқур хўрсиниб*). Тахмин-тусмол қилишдан фойда йўқ. Худони билиш учун ўзимни билишим керак. (*Пауза*) Мен кимман ўзи, Худойим, нимаман?..

Хаёли паришон ишини давом эттириб, узук-юлуқ гапирди.

Қиз. Ўзимнинг кимлигимни билмайман... лекин Сен айблардан пок Зотсан. Сен тўғри-нотўғри деган тушунчалардан баланд... муқаддассан. Сен... (*ҳаяжонланиб*) ҳа, Сен нотўғри, хато қилишдан баландсан! Шунчалик пок-покизасанки, ёмонликнинг бир заррасиниям яратишинг мумкин эмас! Шайтон масаласида ҳам шундай. Бир фариштанинг ланъатланишини аллақандай олма... ё Одам кимлигини билдириш учунгина ўйлаб топган бўлишинг ҳечам мумкин эмас! (*Шошиб*) Унга махсус вазифа, шайтон бўлиш вазифасини юклаган бўлсанг керак. (*Моҳиятни англашга уриниб*) Энди у ҳаммага ёмон кўриниб бўлса ҳам Сенга хизмат қилади... ҳаммаси Одам ўзлигини тушуниши учун... Яъни бу дегани... шайтон бизни турткилайвериб, охири тўғри-нотўғрини билишимизга сабаб бўлади. Бу ҳозир шундай... лекин энг бошида-чи?..Момо Ҳаво олмани ейишидан олдин шайтон шайтон бўлган эди-ку! Олмани ейишга ундаган ҳам у. (*Пауза*) Шошма! Шундай бўлишини Сен

хоҳлаган бўлиб чиқмасанг ҳали?.. Олманиям атайин яратгансан, ейилиши учун. *(Ўйланиб)* Сен айблардан пок Зотсан... Демак, Одамнинг тақиқ олмасини ейишини хоҳлашингда ҳикмат бор. Бундан бирон мақсадни кўзлаган бўлишинг керак... *(Сал жимликдан сўнг, бироз таажжуб билан)* Агар шундай бўлса, ўша мақсад амалга ошдими? Олма ейилганидан кейин нима бўлди?..

Муаммога ечим излаб, хона бўйлаб айланиб юради.

Қиз *(чўзиб)*. Шундан сўнг улар... Худога рўбарў бўлишдан уялиб беркиндилар. Чунки...кийимсиз эканликларини билиб қолишганди... *(Бирдан)* Ҳа! Билиб қолишганди!!! Улар шу олмани деб яхши-ёмонни биладиган бўлишди! *(Қувониб)* Сен айнан шуни хоҳлагансан. Уларни ерга тушираётганинга ҳам билишни бошладингми, охиригача билиб кел, деб жўнатгансан. Биздан кутаётганинг айнан шу! Сени англаб етишимизни хоҳлайсан. *(Мамнун, юракдан)* Ахир Одамни Ўзингга халифа қилиш учун яратгансан.

Ўзи келган хулосалардан қувониб, полнинг қолган қисмини чаққон арта бошлайди.

Қиз *(ишини тўхтатмай, хуш кайфиятда, лекин жиддий)*. Сенга халифа бўлиш, Сендай пок бўлиш... авлиёлар айтган “Аналҳақ” дегани бўлса керак. У даражага етгунча... эҳҳе... *(Ғайрати жўшиб)* Лекин ўша авлиёлар етган-ку, кимдир айтган-ку шу “Аналҳақ”ни! Демак иложи бор! Қийин бўлсаям бор. Меҳнат зое бўлмайди. *(Бирдан тушуниб)* Шунга экан-да! Мана шунга экан. *(Қувониб)* Тўққиз йил Худога ишониб кутдим, бекор кетди, деб хафа бўлгандим. Лекин Худо сўраганимдан кўпроғини берибди. Ҳаммасига осонгина эришганимда буларни, нега яратилганимни тушуниш қаёқда эди?! Эҳтимол, севиб-севилиб, ўзимча

бахтлиям бўлардим. Лекин бахтли бўлишдан баландроқ нарсалар бор экан. Фақат Худонинг ўзи мутлақ баланд. Унга етиш, Унга қўшилиб кетиш – мана шу мақсад ҳар қандай бахтдан тўқисроқ. Бу жаннати бўлишдан ҳам баландроқ тушунча!

Жуда хурсанд алфозда пол артиида давом этади. Ўғирилиб қараб, нилуфар гуллари чизилган расмнинг бир ёнга оғиб қолганини кўради.

Қиз (*келиб расмни тўғрилаб*). Будда нурланмасдан бевақт очилган гуллар... Энди Буддасини кутиш билан овора. Кутиш азобининг зўридан эсидан оғиб-оғиб туришади. (*Расмни силаб*) Ай, гуллар, Буддангиз албатта нурланади. Ахир шундай бўлиши керак, Будда бўлиш керак. Одамзод нурланиш учун яратилган!

Ишига қайтиб, хурсанд қиёфада полни артиб тугатади. Мушкулдан қутулган одамдай енгил нафас олади. Рўмолини орқасига қаттиқ тортиб ўрайди. Энди сочларининг ёйилиб кетиши эҳтимоли бутунлай йўқолади. Ён-атрофга мамнун қарайди.

Қиз. Худойим, мен энди нега яшаётганимни, елкамга қандай вазифа юклагинингни биламан. Уни бажариш учун ҳамма айтганларингни қиламан. Мана энди истаган одамнингга бер мени. Кимга жуфт қилиб яратган бўлсанг, ўшанга рўбарў қил. Энди фақат бахтли бўлиш учун эмас, қовурғага айланиш учун, унинг таркибида Сенга қайтиш учун яшайман. (*Лаззатланиб*) Сенга қайтиш учун!..

Парда

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажакдаги буюк давлат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

Адабиётлар:

1. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. – Тошкент: Адолат, 1999.
2. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 1984.
3. Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
4. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2006.
5. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2006.
6. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2006.
7. Жалолиддин Румий. Қалб кўзингни оч. – Тошкент: Сано-стандарт, 2011.
8. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 1-жилд 1-китоб. – Тошкент: Шарқ, 1999.
9. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 2-китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 2002.

10. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 3-китоб. – Тошкент: Фан, –Техрон: Ал-Худо, 2003.
11. Имом ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 1-жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
12. Имом Ғаззолий. Ихё улум ад-дин: Илм китоби. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007.
13. Имом Ғаззолий. Ихё улум ад-дин: Қалб ажойиботларини шарҳлаш китоби. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006.
14. Имом Ғаззолий. Ихё улум ад-дин: Риёзатун-нафс. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006.
15. Имом Ғаззолий. Ихё улум ад-дин: Тавба китоби. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.
16. Имом Ғаззолий. Ихё улум ад-дин: Тил офатлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2011.
17. Имом Ғаззолий. Ихё улум ад-дин: – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007.
18. Имом Ғаззолий. Кимёи саодат. – Тошкент: Адолат, 2005.
19. Имом Ғаззолий. Қирқ ҳадиси қудсий. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008.
20. Имом Ғаззолий. Уйланиш одоби. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009.
21. Имом Муслим. Саҳиҳи Муслим.
22. Инжил. –Стокгоlm: Библияни таржима қилиш институти, 1992.
23. Қуръони Карим маънолари таржимаси.
24. Лев Толстой. Иқрорнома. – Тошкент: Маънавият, 2008.
25. Моҳандас Карамчанд Ганди. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

26. Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. – Тошкент: Мовароуннахр, 2000.
27. Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. 1-китоб. – Тошкент: Давр пресс, 2013.
28. Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. 2-китоб. – Тошкент: Давр пресс, 2013.
29. Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990.
30. Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
31. Матжонов С. ва б. Адабиёт. – Тошкент: Юрист-медия маркази, 2010.
32. Султонмурод Олим ва б. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. – Тошкент: Гофур Гулом, 2014.
33. Улуғбек Ҳамдам. Исён ва итоат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
34. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999.
35. Фридрих Нитше. Зардўшт таваллоси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
36. Ҳерман Ҳессе. Чўл бўйиси. – Тошкент: Шарқ, 2006.
37. Чингиз Айтматов. Қиёмат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
38. Сирожиддинов Ш. Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.

Чет тилидаги адабиётлар:

1. Mahatma Gandhi. Hinduism to according Gandhi. – New Delhi: Orient Publishing, 2013.
2. Mahatma Gandhi. The wit and wisdom of Gandhi. – New York: Dover Publications, 2005.

Матбуот нашрлари:

1. Исажон Султон. Боқий дарбадар. Шарқ юлдузи, 2010, 6.
2. Ҳусайн Жовид. Шайх Санъон. Жаҳон адабиёти, 2012, 10-11.

Интернет сайтлар:

1. ibt.org.ru (ibtrussia.org)
2. islom.ziyouz.com
3. lahza.uz
4. muslim.uz
5. n.ziyouz.com